**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги**

# *5120300 – Тарих (жаҳон мамлакатлари бўйича)*
# бакалавриат таълим йўналишининг малака талаблари

**Тошкент**

ЎзР ОЎМТВ
Буйрук № 654
«20» 07 2019 йил

## СЎЗ БОШИ

**1. ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:**

- Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети;
- ЎзР ФА Тарих институти.

**2. ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2019 йил «5» 07 даги 3 - сонли йиғилишида маъқулланган.

**3. ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур малака талабни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда таянч ОТМга тегишлидир.

## МУНДАРИЖА


| Т/р | | бет |
|---|---|---|
| **1.** | **5120300 – Тарих (жаҳон мамлакатлари бўйича) бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи............................................** | **4** |
| 1.1. | Қўлланиш соҳаси ............................................................................ | 4 |
| 1.2. | *5120300 – Тарих (жаҳон мамлакатлари бўйича)* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи.......................... | 4 |
| **2.** | ***5120300 – Тарих (жаҳон мамлакатлари бўйича)* таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар .........................................................................** | **6** |
| 2.1. | Бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар ...................................................................................... | 6 |
| 2.2. | *5120300 – Тарих (жаҳон мамлакатлари бўйича)* таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари ........................................................................................ | 6 |
| **3.** | ***5120300 – Тарих (жаҳон мамлакатлари бўйича)* бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар ..............................................................** | **8** |
| 3.1. | Ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар ........................................................................... | 8 |
| 3.2. | *5120300 – Тарих (жаҳон мамлакатлари бўйича)* бакалавриат таълим йўналиши малака амалиётларига қўйиладиган умумий талаблар...................................................................................... | 10 |
| 3.3. | *5120300 – Тарих (жаҳон мамлакатлари бўйича)* бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми ............................................. | 11 |

## 1. 5120300 – Тарих (жаҳон мамлакатлари бўйича) бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи

***5120300 – Тарих (жаҳон мамлакатлари бўйича)*** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи олий таълимнинг ўқув режа ва фан дастури асосида амалга оширилади, унинг назарий ва амалий машғулотларини тўлиқ ўзлаштирган, якуний давлат аттестациясидан муваффақиятли ўтган шахсга «бакалавр» малакаси (даражаси) ҳамда олий маълумот тўғрисидаги давлат намунасидаги расмий ҳужжат(лар) берилади.

Ўқув режа ва фан дастурининг меъёрий муддати ва мос малака(даража)си 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

**Ўқув режаси ва фан дастурда кўзда тутилган ўқув шакли, меъёрий муддати ва унга мувофиқ малака даражаси**

| **Ўқув режа ва фан дастурининг номи** | **Малака (даража)** | **Ўқув режа ва фан дастурини ўзлаштиришнинг меъёрий муддати** |
|---|---|---|
| Бакалавриатнинг ўқув режа ва фан дастури | Бакалавр | 4 йил |

### 1.1. Қўлланиш соҳаси

**1.1.1.** Олий таълимнинг ушбу малака талаби *5120300 – Тарих (жаҳон мамлакатлари бўйича)* таълим йўналиши бўйича олий маълумотли бакалаврлар тайёрлаш ўқув режа ва фан дастурларининг ўзлаштирилишини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча олий таълим муассасалари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

**1.1.2.** Олий таълим муассасаси мазкур бакалавриат таълим йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаш ваколатига эга бўлганда малака талаб асосида ўқув режа ва фан дастурларини амалга ошириш ҳуқуқига эга деб ҳисобланади.

**1.1.3.** Малака талабнинг асосий фойдаланувчилари:

– мазкур таълим йўналиш бўйича фан, техника ва ижтимоий соҳа ютуқларини ҳисобга олган ҳолда ўқув режа ва фан дастурларини сифатли ишлаб чиқиш, самарали амалга ошириш ва янгилаш учун масъул олий таълим муассасаларининг профессор - ўқитувчилари;

– таълим йўналишининг ўқув режа ва фан дастурларини ўзлаштириш бўйича ўқув-тарбия фаолиятини самарали амалга оширувчи барча ходимлари ва талабалари;

– ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим муассасаларининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари);

– битирувчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация ва имтиҳон комиссиялари;

– олий таълим муассасасини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

– олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли Давлат органлари;

– таълим йўналишини ихтиёрий танлаш ҳуқуқига эга бўлган абитуриентлар ва бошқа манфаатдорлар.

### 1.2. 5120300 – Тарих (жаҳон мамлакатлари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи

**1.2.1. *5120300 – Тарих (жаҳон мамлакатлари бўйича)* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:**

*5120300 – Тарих (жаҳон мамлакатлари бўйича)* бакалавриат таълим йўналиши – умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларида таълим йўналишига оид

фанларни ўрнатилган тартибда ўқитиш, тарихий тадқиқотлар билан боғлиқ илмий-тадқиқот муассасалари ва ташкилотлари; давлат бошқарув органлари; давлат музейлари; нотижорат ташкилотлари; тарихий, маданий, маънавий меросни ўрганиш марказларида комплекс масалаларни ечиш мажмуасини қамраб олади.

*Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин. Бўлиши мумкин бўлган қўшимча ва ўзгаришлар муайян таълим йўналишиларининг малака талаблари ва ўқув режаларини ишлаб чиқишда ҳисобга олиниши назарда тутилади.*

**1.2.2. *5120300 – Тарих (жаҳон мамлакатлари бўйича)* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари:**

– тарих соҳасига доир назарий муаммолар, Ўзбекистон ва жаҳон халқлари маданияти тарихи, тарихий обидалар, тарихий манбалар, сиёсий-ижтимоий, иқтисодий жараёнлар, жамиятнинг турли соҳалари ва уларнинг ривожланиш тарихи, миллатлараро этник муносабатлар, моддий ва маънавий маданият, умумий ўрта ва ўрта-махсус касб-ҳунар таълим тизимида таълим тарбия жараёни ва ҳоказо.

*Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин. Бўлиши мумкин бўлган қўшимча ва ўзгаришлар муайян таълим йўналишиларининг малака талаблари ва ўқув режаларини ишлаб чиқишда ҳисобга олиниши назарда тутилади.*

**_5120300 – Тарих (жаҳон мамлакатлари бўйича)_ таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолияти қуйидагиларни қамраб олади:**

– умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларида Ўзбекистон тарихи, Жаҳон тарихи ва Дунё динлари тарихи, Миллий истиқлол ғояси, Маънавият асослари фанларидан ўрнатилган тартибда дарс бериш;

– моддий ва маънавий ёдгорликларни ўрганиш ва қўриқлаш масалалари билан боғлиқ тадқиқот ишларида тадбиқ этиш;

– ҳуқуқ-тартибот органлари, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари ҳамда жойлардаги маънавият ва маърифат марказларида ишлаш;

– музейларда, ахборот-ресурс марказларида турли тадбиркорлик субъектларида, нодавлат нотижорат ва жамоат ташкилотларида ва шу кабиларда фаолият юритиш.

**1.2.3. *5120300 – Тарих (жаҳон мамлакатлари бўйича)*таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари**

- *илмий-тадқиқот фаолияти;*
- *маънавий – маърифий фаолият;*
- *ташкилий-бошқарув фаолияти;*
- *умумий ўрта ва ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими тизимининг ихтисослигига мос таълим муассасаларида педагогик фаолият;*
- *турли хизматлар кўрсатиши* ва шу кабиларни ўз ичига олади.

*Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият турларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.*

Бакалавр тайёрланадиган касбий фаолиятларининг муайян турлари таълим жараёнининг манфаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда олий таълим муассасаси томонидан аниқланади.

**1.2.4. Таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий мослашув имкониятлари**

*5120300 – Тарих (жаҳон мамлакатлари бўйича)* таълим йўналишини тугатган бакалавр тегишли касбий қайта тайёрлашдан ўтгандан кейин умумий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларида махсус фанларни ўқитиши мумкин ҳамда тарих фани соҳасида фаолият олиб бориш ҳуқуқига эга бўладилар.

**1.2.5. Таълимни давом эттириш имкониятлари**

*5120300 – Тарих (жаҳон мамлакатлари бўйича)* таълим йўналиши бўйича бакалавр касбий тайёргарликдан кейин:

– магистратура мутахассислиги бўйича икки йилдан кам бўлмаган муддатда ўқишни қуйидаги мутахасисликларда давом эттириши мумкин:

– *5A230301 – Ўзбекистон тарихи;*

– *5A230302 – Тарих (йўналишлар ва минтақалар бўйича);*

– *5A230303 – Давлат бошқаруви ва маҳаллий ўз-ўзини бошқарув (фаолият тури бўйича);*

– *5A120304 – Тарихшунослик ва тарихий тадқиқот методлари (мамлакатлар бўйича)*

Шунингдек, ўрнатилган тартибда мустақил тадқиқотчилик асосида илмий-тадқиқот ишларини олиб бориши мумкин.

## 2. *5120300 – Тарих (жаҳон мамлакатлари бўйича)* таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар

**2.1. Бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар**:

**Бакалавр:**

• фуқаролик жамиятининг долзарб масалаларини билиши, Ўзбекистон ривожлантириш стратегиясига асосланган фаол ҳаётий нуқтаи назарга;

• дунёқараш билан боғлиқ тизимли билимларга эга бўлиши; гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар асосларини, жорий давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиши;

• Ватан тарихини билиши, маънавий миллий ва умуминсоний қадриятлар масалалари юзасидан ўз фикрини баён қила олиши ва илмий асослай билиши, миллий истиқлол ғоясига асосланган фаол ҳаётий нуқтаи назарга эга бўлиши;

• табиат ва жамиятда кечаётган жараён ва ҳодисалар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиши, табиат ва жамият ривожланиши ҳақидаги билимларни эгаллаши ҳамда улардан замонавий илмий асосларда ҳаётда ва ўз касб фаолиятида фойдалана билиши;

• инсоннинг бошқа инсонга, жамиятга ва атроф муҳитга муносабатини белгиловчи ҳуқуқий ҳамда маънавий мезонларни билиши, касб фаолиятида уларни ҳисобга ола билиши;

• ахборот йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, ўз касб фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиши;

• тегишли бакалавриат йўналиши бўйича рақоботбардош умумкасбий тайёргарликка эга бўлиши;

• янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши;

• соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида илмий тассаввур ҳамда эътиқодга, ўзини жисмоний чиниқтириш укув ва кўникмаларига эга бўлиши лозим.

**Бакалавр:**

• таълим йўналиши бўйича олий маълумотли шахслар эгаллаши лозим бўлган лавозимларда мустақил ишлашга;

• тегишли бакалавриат йўналиши доирасида танланган мутахассислик бўйича магистратурада олий таълимни давом эттиришга;

• кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимида қўшимча касб таълими олиш учун тайёрланадилар.

**2.2.** ***5120300 – Тарих (жаҳон мамлакатлари бўйича)*** **таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари**

**Илмий-тадқиқот фаолиятида**

– Ўзбекистон ва жаҳон тарихига оид турли тадқиқотларни амалга ошириш, улар билан боғлиқ амалиётларни ўтказиш, илмий-тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ этиш ҳамда уларга оид адабиётларни экспертиза қилиш тартиб-қоидаларини ишлаб чиқишда қатнашади;

– махсус адабиётлар ва бошқа тарихга оид илмий тўпламлар, маҳаллий ва чет эл илмий-тадқиқот ютуқларини ўрганади;

– илмий-тадқиқот ишланмаларини тайёрлаш, тарихий адабиётлар экспертизасини амалга оширишда қатнашади;

– маълумотларни жамлайди, қайта тайёрлайди, мавзу бўйича илмий маълумотларни тизимли таҳлил қилади;

– тадқиқот натижалари ва ишланмаларини татбиқ этишда қатнашади.

**Маънавий-маърифий фаолиятида**

– Ёшлар иттифоқи ташкилоти ва маҳаллаларда маънавий-маърифий масалалар бўйича индивидуал суҳбат ўтказиш;

– Тарих фани соҳасига оид мавзуларда маънавият марказларида маърузалар ташкил этиш;

– Ўзбекистон ва жаҳон тарихига оид манбалардан илмий, маънавий-маърифий соҳада фойдаланишни ташкиллаштириш;

– Умуминсоний қадриятлар, меҳр-мурувват, бағрикенглик, ватанпарварлик, садоқат каби юксак инсоний фазилатларни очиб бера олиш ***қобилиятига эга бўлиши лозим.***

**Ташкилий-бошқарув фаолиятда**

– ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш механизмларини ишлаб чиқиш;

– атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилиш;

– жамоада ижтимоий ва маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш ва бошқариш;

– фикрлар ҳар хил бўлган шароитда тўғри қарор қабул қилиш;

– бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш ва уни бажариш, назорат қилиш ва амалга оширган ишининг натижаларини баҳолаш ***қобилиятига эга бўлиши лозим.***

– ЎМКҲТ тизимининг мос таълим муассасаларида тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўқув фанлари бўйича назарий машғулотларни ўтказиш;

– ЎМКҲТ тизимининг мос таълим муассасаларида тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўқув фанлари бўйича амалий ва лаборатория машғулотлари, жумладан ўқув устахонларида ўтказиш;

– замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб ностандарт ўқув машғулотларини ишлаб чиқиш ва ўтказиш;

– ишлаб чиқариш жараёнларини амалга ошириш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари ва ресурсларини режалаштириш;

– нодавлат ва нотижорат ташкилотларда, хусусий тадбиркорлик субъектларида маънавий-маърифий ишлар бўйича менеджер сифатида фаолият юритиш ***қобилиятига эга бўлиши лозим***.

**Умумий ўрта ва ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими тизимининг ихтисослигига мос таълим муассасаларида педагогик фаолият;**

– умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида ўқув фанлари бўйича назарий, амалий машғулотларни ўтказиш;

– замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб ноанъанавий

ўқув машғулотларини ўтказиш;

– ўқитилаётган фанлар бўйича ўқув машғулотларини ўтказиш учун зарур бўлган ўқув-методик ҳужжатларни тузиши, тайёрлаш ва расмийлаштириши;

– ўқитилаётган фанлар бўйича ўқув машғулотларини ўтказиш учун ўқитишнинг дедактик воситаларидан фойдаланиши;

– мустақил таълим ва илмий-ижодий қидирув ишлари натижасида ўқитилаётган фан бўйича педагогик фаолиятни мунтазам такомиллаштириб бориш.

**Турли хизматлар кўрсатиш:**

– тарих ихтисослигига мос мавзулардаги лойиҳалар, манбалар, адабиётларни экспертиза қилиш бўйича эксперт сифатида қатнашиш;

– тадқиқ қилинган объектлар бўйича махсус йўл кўрсаткич яратиш;

– пуллик таълим хизматларини ташкил этиш ва амалга ошириш;

– ихтисосликка мос мавзу бўйича турли хизматларни кўрсатиш ***қобилиятига эга бўлиши лозим***.

## 3. *5120300 – Тарих (жаҳон мамлакатлари бўйича)* бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар

***5120300 – Тарих (жаҳон мамлакатлари бўйича)*** бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурлари умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими билан узлуксизлик ва узвийлик таъминланишини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилиши ва талабаларнинг қуйидаги мажбурий фанлар блокларини ўзлаштиришини назарда тутиши зарур:

гуманитар ва табиий-илмий фанлар;

умумкасбий фанлар;

ихтисослик фанлар;

қўшимча фанлар.

Касб фаолияти кўникмаларини эгаллаш учун малака амалиётлари ўтилиши назарда тутилиши шарт.

Ўқув режалар мажбурий ўқув фанлари билан бир қаторда талабалар ҳамда иш берувчилар танлаган фанларни ҳам ўз ичига олиши шарт.

Бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурларини ўзлаштиришда талабаларнинг ўқув фанларига оид бир қанча масалалар ва муаммолар бўйича мустақил билим олиши назарда тутилиши лозим.

Ўқув режага киритиладиган ихтисосликка оид фанларнинг амалий машғулотлари ва лаборатория ишлари олий таълим муассасаси ҳамда базавий ташкилот ва корхоналарда ўтказилади.

Назария ва амалиёт яхлитлигини таъминлаш учун талабаларнинг малакавий амалиётлари базавий ташкилот ва кархоналарда ўтказилади.

Бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасига мувофиқ равишда якуний давлат аттестацияси билан тугалланиши шарт.

### 3.1. Ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар

**Гуманитар ва табиий-илмий фанлар блоки бўйича:**

**Гуманитар фанлар бўйича:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланадиган олий таълимнинг бакалавриат таълим йўналишлари ўқув режаларидаги гуманитар фанларга қўйиладиган умумий талаблар асосида белгиланади;

**Табиий-илмий фанлар бўйича:**

умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими билан узвийлик ҳамда узлуксизликни инобатга олган тарих фани соҳасида инновациялар, замонавий

ёндашувлар, тарихий воқеликлар, фактларни ўрганишда электрон манбаларнинг ҳамда интернетнинг илмий ва амалий аҳамиятини ҳақида тасаввурларни шакллантириши;

тарих таълим соҳаси учун зарур бўлган фундаментал ҳисобланган тарих фанида инновациялар: технологиялар, моделлар ва методлар, хронология ва метрология, фан ва техника тарихи, математик статистика, тарихий география ҳамда мутахассисликка кириш фанларини чуқур ўрганишнинг илмий ва назарий асосларини таъминлаши;

тарих фани соҳасида маълумотлар каталогини тўплаш, уларни қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усуллари ҳақидаги тасаввурларни шакллантириши лозим.

**Умумкасбий фанлар блоки бўйича:**

Ўзбекистон тарихи, жахон тарихи, Ўзбекистон давлатчилиги тарихи, археология ва этнология, тарихий антропология, фанларини ўрганиш билан тарих билим соҳаси учун зарур бўлган фундаментал фанларни чуқур ўрганишнинг илмий ва назарий асосларини таъминлаши лозим.

табиий-илмий фанлар билан тарих таълим йўналишидаги ихтисослик фанлар ўртасида илмий ва назарий боғлиқликни таъминлаши;

билимларни йўналтиришда муҳим ҳисобланган фундаментал умумкасбий билимларни, амалиётдаги қобилият ва янгиликларни шакллантириш;

тарих таълим соҳаси йўналишидаги ихтисослик фанларни ўрганиш ва чуқур эгаллаш учун зарур бўлган фундаментал умумкасбий билимларни, амалий кўникма ва ўқувларни шакллантириши;

умумкасбий фанлар ўзлаштиришни таъминлаш, тарих фани соҳалари бўйича маълумотларга эга бўлиш ва қайта ишлаш методларидан зарурий билимга эга бўлиш;

Ўзбекистоннинг маданияти ва санъати тарихи, Ўзбекистоннинг энг янги тарихи, халқаро муносабатлар ва дипломатия тарихи, тарих ўқитиш методикаси, музейшунослик ва архившунослик фанларидан билимга эга бўлишини таъминлаш;

тарих таълим йўналишида олинган маълумот ва натижаларни қайта ишлаш йўриқларига оид билимларни амалда қўллаш кўникмаларини таъминлаши лозим.

**Ихтисослик фанлар блоки бўйича:**

тарих таълим соҳасидаги талабаларининг касбий фаолиятига мувофиқ бутун жаҳон ва мамлакатимизда соҳадаги мавжуд муаммолар, эришилган ютуқлар ва соҳани ривожлантириш истиқболлари ҳақида тассавур ҳосил қилиши;

манбашунослик ва тарихшунослик, шарқ алломаларининг илмий мероси ва шарқ тиллари фанларидан билимларга эга бўлишини таъминлаш;

тарихий ёзма манбалар унумли фойдаланиш, улардан тарихий тадқиқотларда фойдалана олиш бўйича муҳим билимлар олишни таъминлаш;

тарихий ўлкашунослик ва урбанизация жараёнлари, тарих фалсафаси ва методологияси, жаҳон цивилизациялари тарихи фанлари бўйича махсус билим, ўқув ва кўникмаларни шакллантириш;

тарих таълим соҳасидаги талабанинг муайян магистратура мутахасислиги бўйича келгусида таълимни давом эттиришга онгли муносабатда бўлишига кўмаклашиши лозим.

**Қўшимча фанлар блоки бўйича:**

таълим йўналиши талабаларнинг умумкасбий ва ихтисослик фанлари бўйича қўшимча равишда чуқур билим олишга бўлган эҳтиёжини қондириши;

меҳнат бозорида рақобатбардошликни таъминлаши ҳамда таълим хизматлари соҳалари ривожини жадаллаштириши;

таълим сифатига қўйилаётган талаблар ва меҳнат бозори конъюктураси тез ўзгараётган шароитда бакалавриат таълим йўналишлари бўйича ўқув режалар ва фан дастурларининг сафарбарлиги ва мослашувчан бўлишини таъминланиши;

касбий фаолият стратегияси ва тактикасини тўғри танлай олиш, касбий нуқтаи назарнинг барқарорлигини таъминлаши лозим.

***Танлов фанлари:***

*Танлов фанлари таркиби ва мазмуни соҳа бўйича республика ҳамда хориждаги етакчи мутахассис-олимларнинг муаллифлик курслари ва муаммоли маърузалари асосида, фан, иқтисодиёт, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талаблари асосида шакллантирилади ҳамда белгиланган аудитория соатларининг машғулот турлари бўйича тақсимоти ОТМ Кенгаши томонидан белгиланади.*

**Курс ишига қўйиладиган талаблар**

Курс иши мавзулари факультет кенгаши қарори билан белгиланган фанлар доирасида ишчи ўқув режасида кўрсатилади. Курс ишлари белгиланган фанлардан олинган билимларни бойитишга хизмат қилиши керак

**3.2. *5120300 – Тарих (жаҳон мамлакатлари бўйича)* бакалавриат таълим йўналиши малака амалиётларига қўйиладиган умумий талаблар**

*5120300 – Тарих (жаҳон мамлакатлари бўйича)* бакалавриат таълим йўналиши малака амалиётлари бакалавриат таълим дастурининг мажбурий қисми ҳисобланади. Амалиётлар ўқув ёки ўқув-ишлаб чиқариш машғулотлари кўринишида бўлиб, талабаларнинг касбий-амалий тайёргарланганлигига бевосита йўналтирилган бўлади. Бакалаврлар тайёрлашда қуйидаги малака амалиётлари ўтказилади.

***ўқув-танишув амалиёти*** – тарих соҳасига тегишли тармоқлари билан танишишни ҳамда умумкасбий фанлар бўйича назарий билимларини мустаҳкамлашни назарда тутади;

***ишлаб чиқариш амалиёти*** – тарих соҳасида фаолият турлари билан танишиш, жараёнларда бевосита иштирок этиш асосида амалий кўникмалар ҳосил қилиш ҳамда фанлардан олинган назарий билимларни мустахкамлашга мўлжалланган;

***педагогик амалиёт*** - касб таълими йўналишлари учун педагогик амалиёт касб-хунар таълими муассасаларида психологик ресурсларини ўрганиш, ўқувчининг шахс портретини туза билиш, ўқув гурухи ичида амалий машғулотлар ўтказа олиш, педагогик махоратини ошириш, ўқувчининг фикрлаш доирасини аниқлаш, унинг қобилиятини ошириш усулларини қўллай билиш, педагогик мулоқотни бахолай билиш ва шулар асосида ўз педагогик меҳнат фаолияти учун дастур ярата билиш кўникмаларини эгаллашга мўлжалланган.

**Ўқув-танишув амалиётлари бўйича:**

*Археологик ўқув танишув амалиёти:* дала шароитида археологик қидирув ишлари ўтказиш, тизими, мазмуни ва шакли, усуллари, натижаларни расмийлаштириш ўрганилади. Амалиёт жараёнида талабалар назарий билимларни амалиётда қўллаш кўникмаларига эга бўлади, бу кўникмаларга археологик ёдгорликларни қазиб олиш жараёнида эга бўладилар.

*Этнологик ўқув танишув амалиёти:*дала шароитида ўтказилади, амалиёт жараёнида этнологик тадқиқотлар тизими ва мазмуни, шакли ва усуллари ўрганилади; уларни ташкил этиш ва натижалари расмийлаштириш усули.

*Ўзбекистон тарихи фанидан ўқув танишув амалиёти:* Ўзбекистон тарихи фани бўйича олган назарий билим ва кўникмаларини мустаҳкамлаш ва янада бойитиш мақсадида тарихимизнинг турли тараққиёт босқичлари давомида аждодларимиз томонидан Ўзбекистоннинг қадимий шаҳарларида бунёд этилган тарихий меъморий обидалар, шунингдек мустақиллик йилларида барпо этилган диққатга сазовор жойлар билан танишиш орқали олиб борилади. Амалиёт натижаси ва ҳисоботи баҳолаш мезонлари асосида баҳоланади.

**Ишлаб чиқариш амалиёти бўйича:**

*Музейшунослик:* турли соҳа музейлари ўрганилади; талабалар амалиётда фонд ишлари, дала музей экспедициялари, экспозицияларни яратиш, экскурциялар ташкил этиш ва музейларни бошқа хил фаолият билан танишадилар; амалиётда назарий билимларни қўллаш ўрганилади.

*Архившунослик:* етакчи давлат архивлари фаолияти билан танишадилар, архивларни бутлаш, ҳужжатларни ҳисобга олиш, илмий-маълумотнома аппарати тизими, ҳужжатларни сақлаш, улардан фойдаланиш, архив маълумотномаларини бериш тартиби билан танишадилар. Назарий билимларни амалиётда қўллаш кўникмалари ҳосил бўлади.

**Педагогик амалиёт бўйича:**

Умумий, ўрта махсус ўқув юртларида аудитория билан ишлаш кўникмаларини шакллантириш, ўқувчиларга билим бериш ва педагогик кўникмаларга эга бўлиш назарда тутилади. Амалиёт ўташда талабалар тарих, жамиятшунослик фанларини ўқитишнинг турли усули ва услубларидан фойдаланиш, ўқитиш усуллари тажрибасига эга бўлиш, тарих фанидан дарс беришлари, тарбиявий ва маънавий тадбирларни ташкил этиш, ўқувчилар билан мулоқотга киришиш кўникмаларига эга бўлиши, замонавий техника воситаларида ўқитиш жараёнида фойдаланиш талаб этилади. Амалиёт чоғида талабалар эркин тарзда ўтилган дарсларни муҳокама қилиши ва ўқувчилар билимини баҳолай олишлари керак.

**Битирув малакавий ишига қўйиладиган талаблар**

Битирув малакавий ишида бакалавр тугалланган касбий топшириқни ечади, у фанларни барча турлари бўйича билимларни қўллашни талаб этади.

Мазкур ишда бакалавр:

– тадқиқот мавзуси, муаммо бўйича қуйиладиган масалалар обзори ва таҳлилини бериш;

– асосий талабларни шакллантириш, муаммоларни ҳал қилиш жиҳатларни кўриб чиқиш ва маъқул томонларини аниқлаш;

– олдига қўйилган масаланинг (мавзу, муаммо) ҳолати ва тадқиқот доирасини таҳлил қилиш, унинг манбашунослик таҳлили ва тарихшунослик обзорини бериш;

– битирув иши мавзусининг аҳамияти (долзарблиги), мақсад ва вазифалари, янгилик даражасини кўрсатиш;

– мавжуд маълумотлардан фойдаланган ҳолда битирув иши бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш;

– тадқиқот натижалари ва хулосаларга далиллар келтириш;

– муаммонинг кейинги таҳлиллари бўйича тавсиялар қилиш; муаммони кейинчалик ўрганишда ўқув жараёни, бошқа тадқиқот натижаларида фойдаланиш.

**3.3. *5120300 – Тарих (жаҳон мамлакатлари бўйича)* бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми**

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув ишларини ўз ичига олган ўқув юкламасининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соат қилиб белгиланади. Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда (кундузги) ўқиш шакли учун аудитория машғулотларининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 28 соатгача қилиб белгиланиши мумкин. Қолган соатлар ҳажми мустақил таълим учун ажратилади.

Ўқишнинг норматив муддати тўрт йил бўлгани ҳолда ўқув жараёни 204 ҳафта давом этиши зарур.

| | |
|---|---|
| Назарий ва амалий таълим | 118 ҳафта |
| Малака амалиётлари | 22 ҳафта |
| Битирув иши | 6 ҳафта |
| Аттестациялар | 22ҳафта |
| Таътиллар | 36 ҳафта |
| **Жами** | **204 ҳафта** |

Ўқув даврининг умумий ҳажми қуйидагича тақсимланади:

назарий таълим – 58 %;
аттестация – 11 %;
таътил – 17 %;
малака амалиёти – 11 %;
битирув малакавий иши – 3 %.

Ўқув йилида таътил даврининг умумий ҳажми 6 - 10 ҳафта қилиб белгиланади.

Назарий таълим ҳажми “Гуманитар билим соҳаси” билим соҳасига мувофиқ фанлар блоклари бўйича қуйидагича тақсимланади:

гуманитар ва табиий илмий фанлар 25 %;
умумкасбий фанлар 51 %;
ихтисослик фанлар 18 %;
қўшимча фанлар 6 %.

# Библиографик маълумотлар

УДК 002: 651. 1/7 Гуруҳ Т 55

ОКС 01.040.01

Инновация, электрон манба, электрон кутубхона, масофавий таълим, хронология, метрология, фан ва техника, антропогинез, археология, этнология, Ўзбекистон тарихи, даврлаштириш, давлатчилик, термачилик, овчилик, уруғ жамоалари, ҳарбий демократия, ҳарбий қабила иттифоки, цивилизация, дипломатия, ўлкашунослик, тарихий география, геосиёсат, суверенитет, варварлар, тенденция, абсолютизм, транформация, консолидация, мезей, архив, манбашунослик, тарихшунослик, тариқат, тасаввуф, маданият, санъат, таълим технологиялари, халқаро муносабатлар, сиёсий таълимотлар, алломалар, этногенез, этник тарих, методология, тарих фалсафаси.

## *5120300 – Тарих (жаҳон мамлакатлари бўйича)* бакалавриат таълим йўналиши бўйича таълим дастурининг тузилиши

| Т/р | Фанлар блоклари, интеграллаштирилган курслар ва блокларнинг номлари | Умумий юкламанинг ҳажми, соатларда |
|---|---|---|
| **1.00** | **Гуманитар ва табиий-илмий фанлар** | **1574** |
| 1.01 | Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси. Фуқаролик жамияти | 78 |
| 1.02 | Фалсафа | 128 |
| 1.03 | Диншунослик | 64 |
| 1.04 | Ўзбек (рус) тили | 150 |
| 1.05 | Хорижий тил | 272 |
| 1.06 | Жисмоний тарбия ва спорт* | 128 |
| 1.07 | Тарих фанида инновациялар: технологиялар, моделлар ва методлар | 210 |
| 1.08 | Математик статистика | 136 |
| 1.09 | Хронология ва метрология | 68 |
| 1.10 | Фан ва техника тарихи | 136 |
| 1.11 | Тарихий география | 136 |
| 1.12 | Мутахассисликка кириш | 68 |
| **2.00** | **Умумкасбий фанлар** | **3265** |
| 2.01 | Тарихий антропология | 68 |
| 2.02 | Археология ва этнология | 161 |
| 2.03 | Ўзбекистон тарихи | 828 |
| 2.04 | Жаҳон тарихи | 828 |
| 2.05 | Халқаро муносабатлар ва дипломатия тарихи | 136 |
| 2.06 | Музейшунослик ва архившунослик | 136 |
| 2.07 | Ўзбекистон давлатчилиги тарихи | 196 |
| 2.08 | Тарих ўқитиш методикаси | 120 |
| 2.09 | Ўзбекистоннинг маданияти ва санъати тарихи | 256 |
| 2.10 | Умумий психология ва педагогика | 240 |
| 2.12 | Ўзбекистоннинг энг янги тарихи | 144 |
| *2.12* | *Танлов фанлари* | 152 |
| **3.00** | **Ихтисослик фанлари** | **1138** |
| 3.01 | Тарихий ўлкашунослик ва урбанизация жараёнлари | 180 |
| 3.02 | Жаҳон цивилизациялари тарихи | 132 |
| 3.03 | Шарқ алломаларининг илмий мероси | 204 |
| 3.04 | Шарқ тиллари | 154 |
| 3.05 | Манбашунослик ва тарихшунослик | 154 |
| 3.06 | Тарих фалсафаси ва методологияси | 94 |
| *3.07* | Танлов фанлари | 220 |
| **4.00** | **Қўшимча фанлар** | **395** |
| 4.01 | Ёш физиологияси ва гигиена | 60 |
| 4.02. | Қўшимча фанлар | 335 |
| | **Жами** | **6372** |
| | **Малакавий ва педагогик амалиётлар** | **1188** |
| | **Якуний давлат аттестацияси** | **324** |
| | **Аттестациялар** | **1188** |
| | **Жами** | **2700** |
| | **ҲАММАСИ** | **9072** |

**Ўзбекистон Миллий университети 5120300 – Тарих (жаҳон мамлакатлари бўйича), 5120400 – Археология, 5121300 – Тарих ва экскурсия – ўлкашунослик иши ҳамда 5121400 – Антропология ва этнология, 5220300 – Архившунослик бакалавр таълим йўналишлари ва уларнинг негизидаги 5А120301 – Ўзбекистонтарихи, 5А120302 – Тарих (йўналишлар ва мамлакатлар бўйича), 5А120303 – Давлат бошқаруви ва маҳаллий ўз-ўзини бошқарув (фаолият турлари бўйича), 5А120304 – Тарихшунослик ва тарихий тадқиқот методлари (мамлакатлар бўйича), 5А120401-Археология, 5А120402-Этнография, этнология ва антропология, 5А120403–Этногенез, ўзбек халқининг этник тарихи, 5А220301 – Ҳужжатчилик, ҳужжатшунослик ва архившунослик магистратура мутахассислиги бўйича малака талаблари ва ўқув режасини ишлаб чиқувчи**

**Ишчи гуруҳ таркиби**

| **Т/р** | **Ишчи гуруҳ раиси ва аъзоларининг Ф.И.Ш.** | **Лавозими, илмий даражаси ва унвони, иш жойи** | **Имзо** |
|---|---|---|---|
| Ишчи гуруҳ раиси | | | |
| 1 | Джумабаев Д.Х. | ЎзМУ ўқув ишлари бўйича проректори, | |
| Аъзолари: | | | |
| 2 | Эшонқулов Ғ. | ЎзМУ ЎУБ бошлиғи | |
| 3 | Муминов А. | ЎзМУ профессори, тарих факультети декани | |
| 4 | Юнусова Х.Э. | ЎзМУ профессори, "Ўзбекистон тарихи" кафедраси мудири | |
| 5 | Ўроқов Д.Ж. | ЎзМУ доценти, "Жаҳон тарихи" кафедраси мудири | |
| 6 | Очилдиев Ф.Б. | ЎзМУ доценти, "Археология" кафедраси мудири | |
| 7 | Рахмонқулова З.Б. | ЎзМУ доценти, Архившунослик ва манбашунослик кафедраси мудири | |
| 8 | Мўминов О. | ЎзМУ тарих факультети декани муовини | |
| 9 | Холиқулов А.Б. | ЎзМУ "Ўзбекистон тарихи" кафедраси доценти | |
| 10 | Шоназаров Ш.Б. | ЎзМУ "Археология" кафедраси катта ўқитувчиси | |
| 11 | Усаров У.А. | ЎзМУ "Ўзбекистон тарихи" кафедраси ўқитувчиси | |

**Ўқув ишлари бўйича проректор _____________ Джумабаев Д.Х.**

**Декан _____________ Муминов А.**

**Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий турдош олий таълим муассасалари ҳамда кадрлар истеъмолчилари**

**ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:**

Ўзбекистон Миллий университети

Ректор _______________ **А.Р.Марахимов**

201_йил «_____» ______________

М.Ў.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти

Директор __________ **Р.М.Абдуллаев**

201_йил «_____» ______________

М.Ў.

**КЕЛИШИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги
Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини
Ривожлантириш маркази

Директор_____________ **З. Т. Ҳакимов**

201_ йил «_____» _________

М.Ў.

Тошкент Давлат Шарқшунослик институти

Ректор _________________ **Г.Ш.Рихсиева**

201_йил «_____» ______________

М.Ў.

**Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети балакалавр таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича Малака талаблари ва ўқув режаларининг ишлаб чиқарувчилар ва асосий кадрлар истеъмолчилари ўртасида келишув**

## КЕЛИШУВ ДАЛОЛАТНОМАСИ

**Тошкент ш.** **“_____” “_________” 2019 йил**

Биз қуйида имзо чекувчилар – ЎзР ФА тарих институти директори Р.М.Абдуллаев, Тошкент Давлат Шарқшунослик институти ректори Г.Ш.Рихсиева, Ўзбекистон Миллий университети ректори А.Р.Марахимовлар билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-2909-сонли, 2017 йил 5 майдаги “Ўзбекистон Республикасида тиббий таълим тизимини янада ислох қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-2959-сонли, 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сонли, Ўзбекистон Републикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги “2019/2020 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-4359-сонли, 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли, 2019 йил 17 июндаги “2019 — 2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли қарорларида белгиланган вазифаларни ижросини таъминлаш мақсадида, ЎзМУда ишлаб чиқилган қуйидаги бакалавриат таълим йўналиши ва магистратура мутахассисликларининг Малака талаблари мазмуни билан танишиб, келишув ҳақида ушбу далолатномани туздик:

***Таълим йўналишлари:***

5120300 – Тарих (жаҳон мамлакатлари бўйича), 5120400 – Археология, 521400 - Тарих ва экскурсия - ўлкашунослик иши, 5211300 - Антропология ва этнология.

***Магистратура мутахассисликлари:***

5А120301 – Ўзбекистонтарихи, 5А120302 – Тарих (йўналишлар ва мамлакатлар бўйича), 5А120303 – Давлат бошқаруви ва маҳаллий ўз-ўзини бошқарув (фаолият турлари бўйича), 5А120304 – Тарихшунослик ва тарихий тадқиқот методлари (мамлакатлар бўйича), 5А120401-Археология, 5А120402-Этнография, этнология ва антропология, 5А120403-Этногенез (ўзбек халқининг этник тарихи).

Юқоридаги бакалавр таълим йўналиши ва магистратура мутахассисликлари бўйича МТ ва ўқув режаларининг ишлаб чиқилишида кадрлар истеъмолчилари томонидан қўйилган талаблар инобатга олинган.

МТларнинг қайта ишлаб чиқилишида: фанлар таркиби, уларнинг мазмуни, маъруза, амалий, лаборатория машғулотларига ажиратилган юкламалар ҳажми, фанларнинг семестрларда ўқитилиш кетма-кетлиги ҳамда малакавий амалиётларни ўтказиш муддатлари тўғри шакллантирилган.

Ишлаб чиқилган МТ ва ўқув режаларни ўрнатилган тартибда тасдиққа тавсия этилиши мақсадга мувофиқ.

**Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ректори** **Марахимов А.Р.**

**ЎзР ФА тарих институти директори** **Абдуллаев Р.М.**

**Тошкент Давлат Шарқшунослик институти ректори** **Рихсиева Г.Ш.**

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ҳайъат кенгашининг 2017 йил 26 апрелдаги 2/3-сонли қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909 сонли Қарори билан тасдиқланган "2017-2021 йилларда Олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлар Дастури ижросини таъминлаш бўйича Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Дастури"да, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2909 сонли, 2019 йил 17 июндаги "2019/2020 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида"ги ПҚ-4359 сонли, 27 июлдаги "Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3151 сонли ва 2019 йил 17 июндаги "2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4358-сонли қарорларида белгиланган вазифаларни ижросини таъминлаш мақсадида "Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори"даги таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича Ўзбекистон Миллий университетида ишлаб чиқилган малака талаблари ва ўқув режаларини турдош Олий таълим муассасалари билан**

## КЕЛИШУВ БАЁННОМАСИ

**Тошкент ш.** **"___" _________ 201__ й**

**Қатнашдилар:** Д.Х.Джумабаев – ЎзМУ ўқув ишлари бўйича проректори, С.Умарова –ТДШИ ЎУБ бошлиғи, Ғ.Эшонқулов - ЎзМУ ЎУБ бошлиғи, Д.Талипов – ЎзМУ ЎУБ бошлиғи муовини, О.Мўминов – ўқув ишлари бўйича декан муовини – 11 киши, кафедра мудирлари – 17 киши, сифат комиссияси раиси – 11 киши, турдош ОТМ вакиллари – ТДШИ, ФарДУ, НамДУ, СамДУ, БухДУ, ҚаршиДУ, ҚҚДУ, АндДУ, УрДУ – жами 24 киши ҳамда 34 нафарЎМБ вакиллари.

## КУН ТАРТИБИ

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ҳайъат кенгашининг 2017 йил 26 апрелдаги 2/3-сонли қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909 сонли Қарори билан тасдиқланган "2017-2021 йилларда Олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлар Дастури ижросини таъминлаш бўйича Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Дастури"да, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2909 сонли, 2019 йил 17 июндаги "2019/2020 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида"ги ПҚ-4359 сонли, 27 июлдаги "Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иктисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3151 сонли ва 2019 йил 17 июндаги "2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4358-сонли Қарорларидда белгиланган вазифаларни ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Миллий университети Ижодий ишчи гуруҳлари томонидан тайёрланган "Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари

Классификатори” асосида таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича тайёрланган малака талаблари ва ўқув режаларининг муҳокамаси:

**Таълим йўналиши**

1. 5120300 –Тарих (жаҳон мамлакатлари бўйича)
2. 5120400 – Археология
3. 5121300 – Тарих ва экскурсия – ўлкашунослик иши
4. 5121400 – Антропология ва этнология
5. 5220300 – Архившунослик

**Магистратура мутахассисликлари:**

1. 5А120301 – Ўзбекистонтарихи
2. 5А120302 – Тарих (йўналишлар ва мамлакатлар бўйича)
3. 5А120303 – Давлат бошқаруви ва маҳаллий ўз-ўзини бошқарув (фаолият турлари бўйича)
4. 5А120304 – Тарихшунослик ва тарихий тадқиқот методлари (мамлакатлар бўйича).
5. 5А120401 – Археология
6. 5А120402 – Этнография, этнология ва антропология
7. 5А120403 – Этногенез (ўзбек халқининг этник тарихи)
8. 5А220301– Ҳужжатчилик, ҳужжатшунослик ва архившунослик

**Сўзга чиқди: Д.Толипов – ЎзМУ ЎУБ бошлиғи муовини.** Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ҳайъат кенгашининг 2017 йил 26 апрелдаги 2/3-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909 сонли Қарори билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлар Дастури ижросини таъминлаш бўйича Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Дастури”да, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909 сонли, 2019 йил 17 июндаги “2019/2020 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-4359 сонли, 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151 сонли ва 2019 йил 17 июндаги “2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли Қарорларидда белгиланган вазифаларни ижросини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Миллий унивеситети тажрибали профессор-ўқитувчиларидан иборат ишчи гуруҳлар тузилган. Ишчи гуруҳ аъзолари томонидан бакалавриат таълим йўналиши ва магистратура мутахассисликлари учун кадр буюртмачилари ва истемолчи ташкилотлар талаблари ва хорижий тажрибалар асосида ишлаб чиқилган Малака талаблари ва ўқув режалари ишлаб чиқилди.

Шунингдек, ЎзМУ таянч ОТМ этиб белгиланган бакалавриат таълим йўналиши ва магистратура мутахассисликлари учун такомиллаштирилган малака талаблари ва ўқув режалари ишлаб чиқилди. Марҳамат, ушбу малака талаблари ва ўқув режалар сизларнинг эътиборингизга ҳавола қилинмоқда. Мазкур меъёрий ҳужжатларни таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича шўъбаларда кўриб чиқиб, ўз фикр-мулоҳазалингизни билдиришингизни сўрайман. Сизларнинг билдирган фикр-мулоҳазаларингиз асосида тегишли тузатишлар киритилиб, ОЎМТВ га тасдиқлаш учун топширилади.

**т.ф.д. Х.Э.Юнусова, ЎзМУ Ўзбекистон тарихи кафедраси мудири:** Ўзбекистон Республикаси Президентининг юқорида номлари келтирилган бир қатор қаорорлари ва Ўзбекистон Республикаси соҳага оид қонунлари ҳамда меъёрий хужжатлари ижросини таъминлаш мақсадида, олий таълим тизими ривожлантириш мақсадида нуфузли ҳорижий олий таълим муассасалари тажрибалари инобатга олинган холда университетимиз

профессор-ўқитувчилари томонидан ишлаб чиқилган МТ ҳамда ўқув режалари қўйилган талабларни ўзида тўлиғича акс эттирган ва меъёрий талабларга тўлиқ жавоб беради.

Улар Олий таълим мутахассисликлари классификаторига мос равишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 январдаги 3-сонли қарорига мувофик, 5120300 –Тарих (жаҳон мамлакатлари бўйича) бакалавриат йўналиши негизидаги 5А120301 – Ўзбекистонтарихи, 5А120302 – Тарих (йўналишлар ва мамлакатлар бўйича), 5А120303 – Давлат бошқаруви ва маҳаллий ўз-ўзини бошқарув (фаолият турлари бўйича), 5А120304 – Тарихшунослик ва тарихий тадқиқот методлари (мамлакатлар бўйича) магистратура мутахассисликларининг МТ ва ўқув режалари кадр бюртмачилари ва истеъмолчи ташкилотлар ҳамда турдош ОТМлари вакиллари, етук мутахассисларни жалб этган ҳолда, қайта ишлаб чиқилди. Шунингдек, мазкур МТ ва ўқув режалар олиб борилаётган ислоҳотлардан келиб чиқиб, талабаларнинг тарих таълим йўналишлари бўйича чуқур билим, кўникма ва малакаларни бажаришга мўлжалланган. Шунинг учун ишлаб чиқилган барча МТ ва ўқув режаларни маъқуллайман ва тасдиқлаш учун тавсия этаман.

**доц. Д.Ж.Ўроқов**, **ЎзМУ Жаҳон тарихи кафедраси мудири:** Юқорида санаб ўтилан бакалавр таълим йўналиши ва магистратура мутахассисликлари МТ ва ўқув режаларининг лойиҳаларини ишлаб чиқилишида бугунги кун талабидан келиб чиқиб бир қатор асосий вазифалар эътиборга олинган. Жумладан, маънавий ҳаёт, жамият ва шахс руҳи, замонавий цивилизация ва унинг тараққиёт йўналишларини шакллантириш, талабаларда илмий ва илмий-техник ахборот билан ишлаш кўникмаларини шакллантириш, амалдаги қонунлар ва қоидаларга доир билимларни таъминланишига ҳамда мутахассисликка йўналтирилган билимлар базасини яратиш ва улардан фойдалана олиш кўникмаларини ривожлантиришига катта эътибор қаратилган. Ишлаб чиқилган МТ ва ўқув режаларни тасдиқлашга тавсия этиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайман.

**доц. Ф.Б.Очилдиев**, **ЎзМУ Археология кафедраси мудири:** Биз ҳам, 5120400 – Археология, 5121300 – Тарих ва экскурсия – ўлкашунослик иши ва 5121400 – Антропология ва этнология бакалавриат йўналишлари ва уларнинг негизида 5А120401 – Археология, 5А120402 – Этнография, этнология ва антропология ҳамда 5А120403 – Этногенез (ўзбек халқининг этник тарихи) магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режалари амалда белгиланган мезонлар асосида ишлаб чиқилди. Хусусан, янги ишлаб чиқилган малака талаблари ва ўқув режалари халқаро талабларида магистр мутахассислар тайёрлаш бўйича қўйилган талаб даражаси инобатга олинди ва улар МТ мазмунига киритилди. Бакалавриат ва магистратура мутахассисликлари касбий фаолиятининг объектлари, компнетларига қўйилган талаблар кучайтирилди ва кенгайтирилди. Шунингдек, малака талаблари ва ўқув режалари кадр буюртмачилари, истеъмолчи ташкилотлар ва турдош ОТМлари вакиллари, етук мутахассисларни жалб этилди. Шунинг учун ишлаб чиқилган барча малака талаблари ва ўқув режаларни маъқуллайман ва тасдиқлаш учун тавсия этаман.

**т.ф.н. У.Абдуллаев, Тошкент Давлат Шарқшунослик институи доценти:** ЎзМУ тарих факультетида ишлаб чиқилган 5120300 –Тарих (жаҳон мамлакатлари бўйича) бакалавриат йўналиши негизидаги 5А120301 – Ўзбекистонтарихи, 5А120302 – Тарих (йўналишлар ва мамлакатлар бўйича), 5А120303 – Давлат бошқаруви ва маҳаллий ўз-ўзини бошқарув (фаолият турлари бўйича), 5А120304 – Тарихшунослик ва тарихий тадқиқот методлари (мамлакатлар бўйича) магистратура мутахассисликларининг МТ ва ўқув режалари буюртмачи ташкилотлар ва турдош ОТМлари томонидан билдирилган таклифлар инобатга олинган ҳамда барча меъёрий ҳужжатлар талабларига жавоб беради ва барча МТ ва ўқув режаларни тасдиққа тавсия этиш мумкин.

**т.ф.н. Н.Холматов Самарқанд Давлат университети доценти:** ЎзМУ тарих факультетида ишлаб чиқилган 4 та бакалавриат йўналиши ва уларнинг негизидаги 8 та магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режалари истеъмолчи ташкилотлар ва турдош ОТМлари томонидан билдирилган таклифлар инобатга олинган ҳамда барча меъёрий ҳужжатлар талабларига жавоб беради. Шундан келиб чиқиб, турдош

ОТМ вакили сифатида ЎзМУ профессор-ўқитувчилари томонидан ишлаб чиқилган барча малака талаблари ва ўқув режаларни тасдиққа тавсия этиш мумкин.

Кун тартибидаги мазкур масала бўйича йиғилишда билдирилган фикр-мулоҳазалар ва таклифлар асосида муҳокамадан сўнг

**ҚАРОР ҚИЛИНДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ҳайъат кенгашининг 2017 йил 26 апрелдаги 2/3-сонли қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909 сонли Қарори билан тасдиқланган "2017-2021 йилларда Олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлар Дастури ижросини таъминлаш бўйича Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Дастури"да, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2909 сонли, 2019 йил 17 июндаги "2019/2020 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида"ги ПҚ-4359 сонли, 27 июлдаги "Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3151 сонли ва 2019 йил 17 июндаги "2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4358-сонли Қарорларидда белгиланган вазифаларни ижросини таъминлаш мақсадида олий таълим соҳасини тартибга солувчи бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳамда халқаро тажрибаларга мувофиқ ишлаб чиқилган қуйдаги: 5120300 – Тарих (жаҳон мамлакатлари бўйича) бакалавр таълим йўналиши ва унинг негизидаги 5А120301 – Ўзбекистонтарихи, 5А120302 – Тарих (йўналишлар ва мамлакатлар бўйича), 5А120303 – Давлат бошқаруви ва маҳаллий ўз-ўзини бошқарув (фаолият турлари бўйича), 5А120304 – Тарихшунослик ва тарихий тадқиқот методлари (мамлакатлар бўйича) магистратура мутахассисликлари ва 5120400 – Археология, 5121300 – Тарих ва экскурсия – ўлкашунослик иши ҳамда 5121400 – Антропология ва этнология бакалавриат йўналишлари ва уларнинг негизидаги 5А120401 – Археология, 5А120402-Этнография, этнология ва антропология, 5А120403 – Этногенез (ўзбек халқининг этник тарихи магистратура мутахассисликлари ҳамда 5220300 – Архившунослик бакалавр таълим йўналиши ва унинг негизидаги 5А220301 – Ҳужжатчилик, ҳужжатшунослик ва архившунослик магистратура мутахассисликлари МТ ҳамда ўқув режалари асосий кадр буюртлармачилари бўлган вазирлик, идораларо ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишли илмий-тадқиқот институтлари, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг тармоқ ИТИларида экспертизадан ўтказилди.

2. Ишлаб чиқилган таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича малака талаблари ва ўқув режаларида турдош ОТМларининг таклиф ва эътирозлари инобатга олинган.

3. Ишлаб чиқилган малака талабини ўрнатилган тартибда тасдиқланиши учун Вазирлик ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш марказига топширилсин.

**Мажлис раиси** **Д. Джумабаев**

**Котиб** **О. Мўминов**

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий таълим йўналишлари бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг “Ижтимоий соҳа ва гуманитар фанлар” ўқув-услубий бирлашмасининг №     -сонли мажлис**

**БАЁНИДАН КЎЧИРМА**

Тошкент ш.                                                                 «__» _______2019 йил

**ҚАТНАШДИЛАР: Бирлашма раиси** – Г.Ш.Рихсиева – ТДШИ ректори, С.Умарова – ТДШИ ЎУБ бошлиғи, Ғ.Эшонқулов - ЎзМУ ЎУБ бошлиғи, Д.Талипов – ЎзМУ ЎУБ бошлиғи муовини, ўқув ишлари бўйича декан муовини – 11 киши, кафедра мудирлари – 17 киши, сифат комиссияси раиси – 11 киши, турдош ОТМ вакиллари – ТДШИ, ФарДУ, НамДУ, СамДУ, БухДУ, ҚаршиДУ, ҚҚДУ, АндДУ, УрДУ – жами 24 киши ҳамда 34 нафарЎМБ вакиллари.

**КУН ТАРТИБИ:**

1. Ўзбекистон Миллий университети профессор-ўқитувчилари иборат ишчи гуруҳлар томонидан хорижий тажрибалар асосида ишлаб чиқилган малака талаблари ва ўқув режаларини муҳокама қилиш ҳамда уни тасдиқлаш учун тавсия этиш.

**ЭШИТИЛДИ:**

**1. Г.Ш.Рихсиева – Ўқув-услубий бирлашма раиси, профессор.** Ҳурматли мажлис иштирокчилари, кун тартибидаги масала бўйича маълумотларни тақдим этиш учун сўз бирлашма котиби С.Умаровага берсак. Марҳамат.

**2. С.Умарова – Ўқув-услубий бирлашма котиби, доцент.** Маълумки, олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторини таҳлил қилиш жараёнида баъзи янги таълим йўналишлари ва мутахассисликлари очилди ҳамда айримларининг эса номлари ўзгартирилди. Шунинг учун мазкур йўналиш ва мутахассисликлар бўйича янги малака талаблари ва ўқув режалари яратиш зарурияти туғилди. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ҳайъат кенгашининг 2017 йил 26 апрелдаги 2/3-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909 сонли Қарори билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлар Дастури ижросини таъминлаш бўйича Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Дастури”да, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909 сонли, 2019 йил 17 июндаги “2019/2020 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-4359 сонли, 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151 сонли ва 2019 йил 17 июндаги “2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли Қарорларида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида ЎзМУ ишчи гуруҳ профессор-ўқитувчилари томонидан, “Олий таълим йўналишлари ва мутахасисликлари Классификатори”га мувофиқ қуйидаги таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича малака талаблари ва ўқув режаларини ишлаб чиқилаётганлиги ҳақида ахборот берди, уларни муҳокама қилиш ҳамда ушбу янгидан яратилган малака талаби ҳақида йиғилиш қатнашчиларидан фикр-мулоҳаза ва таклифлар билдиришларини сўради.

**Сўзга чиқди: т.ф.н. Н.Холматов –Самарқанд Давлат университети доценти.** ЎзМУ тарих факультетида ишлаб чиқилган 5120300 –Тарих (жаҳон мамлакатлари бўйича) бакалавриат йўналиши негизидаги 5А120301 – Ўзбекистонтарихи, 5А120302 – Тарих (йўналишлар ва мамлакатлар бўйича), 5А120303 – Давлат бошқаруви ва маҳаллий ўз-ўзини бошқарув (фаолият турлари бўйича), 5А120304 – Тарихшунослик ва тарихий тадқиқот методлари (мамлакатлар бўйича) магистратура мутахассисликлари ва 5120400 – Археология, 5121300 – Тарих ва экскурсия – ўлкашунослик иши ва 5121400 – Антропология ва этнология бакалавриат йўналишлари ва уларнинг негизида 5А120401 – Археология, 5А120402 – Этнография, этнология ва антропология ҳамда 5А120403 – Этногенез (ўзбек халқининг этник тарихи), магистратура

мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режалари амалда белгиланган мезонлар асосида ишлаб чиқилди. МТ ва ўқув режалари буюртмачи ташкилотлар ва турдош ОТМлари томонидан билдирилган таклифлар инобатга олинган ҳамда барча меъёрий ҳужжатлар талабларига жавоб беради ва барча МТ ва ўқув режаларни тасдиққа тавсия этиш мумкин.

**Д.Талипов – ЎзМУ ЎУБ бошлиғи муовини,** ЎзМУ профессор-ўқитувчилари ҳамда турдош олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларини жалб қилган ҳолда бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талабларини мазмуни кўриб чиқилди ва хорижий тажриба асосида такомиллаштириш чораларини кўриш мақсадида қайта ишлаб чиқилди. ЎзМУ тарих факультети профессор-ўқитувчилари томонидан такомиллаштирилган ҳолда ишлаб чиқилган барча малака талаблари ҳамда ўқув режалари республикамизда тарих фани соҳаларини ривожлантиришда рўй бераётган ислоҳотлар тўлиғича ўз аксини топган деб ўйлайман. Шунинг учун муҳокамага қўйилган барча малака талаблари ҳамда ўқув режаларини маъқуллаш ва тасдиқлаш учун тавсия этиш керак деб ҳисоблайман.

Юқоридагиларни инобатга олиб, қуйидаги такомиллаштирилган МТ ҳамда ўқув режаларини “Ижтимоий соҳа ва гуманитар фанлар” методик биралашмасида кўриб чиқиб, тасдиқлаш учун тавсия этишларингизни сўрайман:

| | **Таълим йўналишлари:** | |
|---|---|---|
| 1. | Тарих (жаҳон мамлакатлари бўйича) | 5120300 |
| 2. | Археология | 5120400 |
| 3 | Тарих ва экскурсия – ўлкашунослик иши | 5121300 |
| 4 | Антропология ва этнология | 5121400 |
| 5 | Архившунослик | 5220300 |
| | **Магистратура мутахассисликлари** | |
| 1 | Ўзбекистонтарихи | 5А120301 |
| 2 | Тарих (йўналишлар ва мамлакатлар бўйича) | 5А120302 |
| 3 | Давлат бошқаруви ва маҳаллий ўз-ўзини бошқарув (фаолият турлари бўйича) | 5А120303 |
| 4 | Тарихшунослик ва тарихий тадқиқот методлари (мамлакатлар бўйича) | 5А120304 |
| 5 | Археология, | 5А120401 |
| 6 | Этнография, этнология ва антропология, | 5А120402 |
| 7 | Этногенез (ўзбек халқининг этник тарихи) | 5А120403 |
| 8 | Ҳужжатчилик, ҳужжатшунослик ва архившунослик | 5А220301 |
| | | |

Юқоридагиларга асосланиб

**ҚАРОР ҚИЛИНДИ:**

1. Ўзбекистон Миллий университетида ишчи гуруҳлар томонидан тайёрланган 5120300 – Тарих (жаҳон мамлакатлари бўйича) бакалавр таълим йўналиши ва унинг негизидаги 5А120301 – Ўзбекистонтарихи, 5А120302 – Тарих (йўналишлар ва мамлакатлар бўйича), 5А120303 – Давлат бошқаруви ва маҳаллий ўз-ўзини бошқарув (фаолият турлари бўйича), 5А120304 – Тарихшунослик ва тарихий тадқиқот методлари (мамлакатлар бўйича) магистратура мутахассисликлари ва 5120400 – Археология, 5121300 – Тарих ва экскурсия – ўлкашунослик иши ҳамда 5121400 – Антропология ва этнология бакалавриат йўналишлари ва уларнинг негизидаги 5А120401-Археология, 5А120402-Этнография, этнология ва антропология, 5А120403–Этногенез (ўзбек халқининг этник тарихи магистратура мутахассисликлари ҳамда 5220300 – Архившунослик бакалавр таълим йўналиши ва унинг негизидаги 5А220301 – Ҳужжатчилик, ҳужжатшунослик ва архившунослик МТ ҳамда ўқув режалари Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ҳайъат кенгашининг 2017 йил 26 апрелдаги 2/3-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли Қарори билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлар Дастури ижросини таъминлаш бўйича Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Дастури”да, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909 сонли, 2019 йил 17 июндаги “2019/2020 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида”ги

ПҚ-4359 сонли, 27 июлдаги "Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3151-сонли ва 2019 йил 17 июндаги "2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4358-сонли Қарорларида белгиланган вазифалар ва олий таълим соҳасини тартибга солувчи бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳамда халқаро тажрибаларга мувофиқ ишлаб чиқилганлиги инобатга олинсин.

2. Ишлаб чиқилган малака талаблари ва ўқув режалари лойиҳасини ўрнатилган тартибда тасдиқла учун турдош ОТМ ва мафаатдор вазирлик (идоралар) ва асосий иш берувчи корхоналар экспертизадан ўтказилган (Келишув баённомалари ҳамда мутахассислар томонидан "Тақризлар" билан расмийлаштирилган ва малака талабларига илова этилган).

3. Экспертиза натижасида мутахассислар томонидан аниқланган камчилик ва таклифлар малака талаблари ва ўқув режаларининг охирги лойиҳаларини ишлаб чиқишда инобатга олинсин.

4. Ишлаб чиқилган малака талаблари ва ўқув режаларини тавсия этилган ҳужжатлар илова қилингани ҳолда, ўрнатилган тартибда тасдиққа тавсия этилиши учун Вазирлик ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгаш муҳокамасига тақдим этилсин.

**Ўқув-услубий бирлашма раиси** **Г.Ш.Рихсиева**

**Бирлашма илмий котибаси** **С.Умарова**

**Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети Тарих факультетида тайёрланган 5120300 – Тарих (жаҳон мамлакатлари бўйича) бакалавр таълим йўналиши малака талабларига**

# ТАҚРИЗ

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда янгича фикрлайдиган, юртимиз келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга ва жамиятнинг демократик киёфасини белгилаб беришга қодир бўлган баркамол авлодни тарбиялаш йўлида эътиборга молик ишлар амалга ошириб келинаётганлиги маълум. Айни пайтда жамиятда комил инсон бўлиб етишган ёш мутахассисларни республиканинг ижтимоий-иктисодий ҳаётида ўз салоҳиятларини кўрсатишга яратилган шароитлар ҳам самарасини бермоқда. Бугунги кунда етук малакали мутахассис бўлиб чиққан кадрлар республика ҳаётининг барча соҳаларида иштирок этмоқдалар.

Фан, техника ва ижтимоий соҳа ютукларини янада ривожлантиришга хизмат килувчи, глобаллашув шароитида ўзига ҳосликни саклаган ва жаҳон таълим маконига интеграллаштириш тамойилларига амал килган ҳолда Ўзбекистон ҳудудида инсоният жамияти вужудга келишининг турли тарихий даврларидаги тараққиёт боскичларини янада ўзлаштириш ва уни ўрганиб тадқиқ, таҳлил этишни белгилаб берадиган ҳамда бугун тақризга тақдим этилган 5120300 – Тарих (жаҳон мамлакатлари бўйича) бакалавр таълим йўналиши Малака талаблари Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикасининг "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури" талабларига асосланган ҳолда узлуксиз таълимни вазифаларидан таълим, фан ва ишлаб чикаришни узвий боғлиқлигини ҳисобга олган ҳолда тайёрланган.

Малака талаблари буюртмачиларнинг талабларига тўлик жавоб беради. У давлатчилик, давлат бошқарувидаги ички ва ташқи сиёсат масалалари бўйича давлат ва жамият тараққиётига хизмат киладиган сиёсий институтлар, нодавлат, жамоат муассасаларида маҳаллий бошқарув, нодавлат ташкилотлари бошқаруви органлари, илмий-тадқиқот ва бошқариш

ишларини олиб бориш, давлат ва бошқарув, нодавлат ташкилотлар бошқаруви бўйича олиб бориладиган илмий тадкикот ишларида қатнаша оладиган, умуман етук мутахассис кадрларни зарурий билим эгаллашларини таъминлайди.

Малака талаблари ривожланган хориж мамлакатларининг етакчи олий ўқув муассасалари тажрибаларини атрофлича ўрганиб, маҳаллий тажриба, талаб ва эҳтиёжлардан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилганлиги унинг мазмунида акс этган.

Уни 5120300 – Тарих (жаҳон мамлакатлари бўйича) бакалавр таълим йўналиши бўйича талабалар тайёргарлик даражаси ва зарурий билимлар мазмунига қўйилган Давлат таълим стандарти малака талаби сифатида қабул қилиш мумкин. Шу жиҳатдан уни тасдиқ учун тавсия қилиш мумкин.

**Тошкент Давлат Шарқшунослик институти "Шарқ мамлакатлари тарихи ва хозирги замон муаммолари" кафедраси мудири т.ф.н.** **У.А.Абдуллаев**

TASDIQLAYMAN
TDSHI Kadrlar
bo'limi boshlig'i
Н. Насирова

**Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети Тарих факультетида тайёрланган 5120300 – Тарих (жаҳон мамлакатлари бўйича) бакалавриат таълим йўналишининг малака талабларига**

# ТАҚРИЗ

Мустакиллик йилларида Ўзбекистонда янгича фикрлайдиган, юртимиз келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга ва жамиятнинг демократик қиёфасини белгилаб беришга қодир бўлган баркамол авлодни тарбиялаш йўлида эътиборга молик ишлар амалга ошириб келинаётганлиги маълум. Айни пайтда жамиятда комил инсон бўлиб етишган ёш мутахассисларни республиканинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида ўз салоҳиятларини кўрсатишга яратилган шароитлар ҳам самарасини бермоқда. Бугунги кунда етук малакали мутахассис бўлиб чиққан кадрлар республика ҳаётининг барча соҳаларида иштирок таъминлаш долзарб ҳисобланади.

Мазкур тақризга тақдим этилган 5120300 – Тарих (жаҳон мамлакатлари бўйича) бакалаврят таълим йўналиши малака талаблари ва ўқув режаси Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикасининг "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури", ҳамда Ўзбекистон Републикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" ПҚ-2909-сонли, 2017 йил 27 июлдаги "Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3151-сонли, 2018 йил 5 июндаги "Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-3775-сонли, 2019 йил 17 июндаги "2019 — 2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4358-сонли қарорлари талабларига асосланган ҳолда узлуксиз таълимни вазифаларидан таълим, фан ва ишлаб чиқаришни ўзвий боғлиқлигини хисобга олган тарзда тайёрланган.

Умуман, 5120300 – Тарих (жаҳон мамлакатлари бўйича) таълим йўналиши малака талаблари ва ўқув режаси кадр буюртмачилари ва истеъмолчи ташкилотлар талабларига тўлиқ жавоб беради. У Ўзбекистон тарихи, давлатчилик, давлат бошқарувидаги ички ва ташқи сиёсат масалалари буйича давлат ва жамият тараққиётига хизмат қиладиган сиёсий институтлар, нодавлат, жамоат муассасаларида маҳаллий бошқарув, нодавлат ташкилотлари бошқаруви органлари, илмий-тадқиқот ва бошқариш ишларини олиб бориш, давлат ва бошқарув, нодавлат ташкилотлар бошқаруви буйича олиб бориладиган илмий тадқиқот ишларида қатнаша оладиган, етук мутахассис кадрларни зарурий билим эгаллашларини таъминлайди.

Малака талаблари дунёнинг етакчи олий ўқув муассасалари тажрибаларини атрофлича ўрганиб, маҳаллий тажриба, талаб ва эҳтиёжлардан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилганлиги унинг мазмунида акс этган.

Юқоридагилардан келиб чиққан холда, 5120300 – Тарих (жаҳон мамлакатлари бўйича) бакалавриат таълим йўналишининг малака талаблари ва ўқув режасини олий талим тизимига тадбиқ қилиш мумкин.

**ЎзР ФА Тарих институти директори** **т.ф.д. Р.М.Абдуллаев**

**Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети тарих факультетида 5120300-Тарих (жаҳон мамлакатлари бўйича) бакалавриат таълим йўналиши учун тайёрланган малака талабларига**

**ТАҚРИЗ**

Бугунги кунда ёшларнинг маънавий, миллий ва умуминсоний қадриятлар масалалари юзасидан ўз фикрини баён қила билиши ва илмий асослай олиши, миллий истиқлол ғоясига асосланган фаол ҳаётий нуқтаи назарга эга бўлиши ўз навбатида таълим тизимига қўйилган талаблардан биридир. Иқтидорли ва истеъдодли ёшларни жамиятда таълим-тарбия, фан, маданият соҳасида қўллаб-қувватлаш, уларга шарт-шароитлар яратиш глобаллашув шароитида кечаётган жараёнларда муҳим аҳамият касб этади.

ЎзМУ тарих факультетида 5120300-Тарих (жаҳон мамлакатлари бўйича) таълим йўналиши учун тайёрланган малака талаблари ана шу омиллардан келиб чиқиб шакллантирилган. Унда талабанинг илмий фаолият олиб бориши, илмий-тадқиқот ишланмаларини тайёрлаши, маълумотларни жамлаб, қайта тайёрлаб, мавзу бўйича илмий маълумотларни тизимли таҳлил қилиши ҳамда маънавий-маърифий фаолияти мазкур малака талабларида ўз аксини топган. Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғриси-да”ги Қарорида белгиланган олий таълим муассасаларида ўқитиш йўналишлари ва мутахассисликларини истиқболда минтақалар ва иқтисодиёт тармоқларини комплекс ривожлантириш, амалга оширилаётган ҳудудий ва тармоқ дастурларининг талабларини инобатга олган ҳолда оптималлаш-тириш каби талабларнинг қўйилиши ҳам ушбу малака талабларини ишлаб чиқишда инобатга олинган.

Шунингдек, талабаларни назарий билимлар олиши билан бирга малакавий амалиёт масаласига ҳам жиддий эътибор берилганлиги муҳим аҳамиятга эга. Малака амалиёти талабани касбий тайёрлашга йўллайдиган ўқув жараёнининг узвий қисми эканлиги, амалиёт дастурлари асосида талабаларнинг умумкасбий ва ихтисослик фанларини ўзлаштиришида олган назарий билимларини амалда мустаҳкамлаши, таълим соҳасида қўлланиладиган ўқитиш методлари, таълим муассасаси ва тузилмасини ўрганишига йўналтирилиши киритилганлиги малака талабларининг аҳамиятини оширади.

Умуман, ЎзМУ тарих факультети 5120300-Тарих (жаҳон мамлакатлари бўйича) таълим йўналиши малака талаблари етарли билим беришда шубҳасиз муҳим аҳамият касб этади ва уни амалиётда қўллаш мумкин.

**Ўзбекистон халқаро ислом академияси профессори** **т.ф.д. С.Агзамходжаев**

XALQARO ISLOM ... O'ZBEKIS... XODIMLAR BO'LIMI

**Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети тарих факультети 5120300 - Тарих (жаҳон мамлакатлари бўйича) таълим йўналиши малака талабларига**

**ТАҚРИЗ**

Олий таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, кадрлар тайёрлаш мазмунини тубдан қайта кўриш, халқаро стандартлар даражасига мос олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш учун зарур шароитлар яратилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар ўз аҳамияти билан диққатга созовордир. Айни пайтда олий таълим тизимини келгусида янада такомиллаштириш ва комплекс ривожлантириш бўйича етарли даражадаги таклифлар ва ҳаракатлар ҳам, шунингдек ҳар бир олий таълим муассасасини жаҳоннинг етакчи илмий-таълим муассасалари билан яқин ҳамкорлик алоқалари ўрнатиши, ўқув жараёнига халқаро таълим стандартларига асосланган илғор педагогик технологиялар, ўқув дастурлари ва ўқув-услубий материалларини кенг жорий қилиши, мастер-класслар ўтказиши, ёш ўқитувчи ва илмий ходимларининг стажировка ўташларини каби бир қатор вазифаларни амалга оширишда ўз ўрнига эга бўлади.

Бугун тақризга тақдим этилган малака талабларида ҳам умумий ўрта, ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасаларида таълим йўналишига оид фанларни ўрнатилган тартибда ўқитиш, тарихий тадқиқотлар билан боғлиқ илмий-тадқиқот муассасалари ва ташкилотлари, давлат бошқарув органларида хизмат қила оладиган етук малакали мутахассисларни тайёрлаш учун кўзланган мақсад вазифалар ҳам юқоридагиларни амалга оширишда ўз ўрнига эгадир.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети тарих факультети 5120300 - Тарих (жаҳон мамлакатлари бўйича) таълим йўналиши учун яратилган малака талаблари ҳам ана шундай мақсадлардан келиб чиқиб шакллантирилган.

Мазкур малака талаблари тарих соҳасидаги назарий муаммолар, Ўзбекистон ва жаҳон халқлари маданият тарихи ва умуман ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маънавий-маданий жараёнларни ўрганишдаги ёндашувлар ва талаблар асосида тайёрланган.

Тақдим этилган малака талаблар тарих таълим йўналиши учун долзарб ва зарур бўлган фанлардан келиб чиқан ҳолда шакллантирилган. Айни пайтда табиат ва жамиятда кечаётган жараён ва ҳодисалар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўла оладиган комил инсонни тарбиялашга ҳам йўналтирилган.

Умуман тақдим этилган ушбу малака талаблари 5120300 - Тарих (жаҳон мамлакатлари бўйича) бакалавриат таълим йўналишида тахсил оладиган талабаларга етарли даражада билим бериши шубҳасиз ва уни ижобий баҳолаб амалиётга тадбиқ этиш мумкин.

**Ўзбекистон тарихи**
**давлат музейи директори т.ф.д.** **Ж.Х.Исмоилова**

## 5120300-Тарих (жаҳон мамлакатлари бўйича) бакалавриат таълим йўналиши давлат таълим стандартининг халқаро миқёсидаги бошқа таълим стандартлари билан қиёсий таққослаш

## Бакалавриат таълим жараёнининг умумий кўрсаткичлари

| № | Таълим жараёни | Ўзбекистон Республикаси (бакалавриат) | Буюк Британия | Россия |
|---|---|---|---|---|
| 1. | **Бошланиши** | 11 йил умумий ўрта ва 12 йиллик ўрта махсус таълимдан сўнг | 12 йил умумий ўрта ва ўрта махсус таълимдан сўнг | 10 йил умумий ўрта ва ўрта махсус таълимдан сўнг |
| 2. | **Давомийлиги** | 4 йил | 4 йил | 4 йил |
| 3. | **Таълим олувчилар сони** | 25-45 | 25 ва ундан ортиқ | 25-50 ва ундан ортиқ |
| 4. | **Ўтиш жойлари** | Университетлар тарих факультети ўқув базасида | Кембридж университети тарих факультети ўқув базаси. | Москва Давлат университети тарих факультети ўқув базаси |
| 5. | **Таълим берувчилар** | Тарих факультети профессор – ўқитувчилари, ЎзР ФА тарих институти ходимлари ва таклиф қилинган мутахассислар. | Олийгоҳлар профессор-ўқитувчилари ва таклиф қилинган мутахассислар. | Университет профессор-ўқитувчилари ва ҳорижнинг етаки соҳага оид мутахассислари. |
| 6. | **Таълим жараёнини кузатиш ва назорат қилиш** | Қуйидаги тартибда амалга оширилади: Факультет деканати, кафедралар ва таълим берувчи профессор-ўқитувчилар. | Қуйидаги тартибда амалга оширилади: Факультет деканати, кафедралар ва таълим берувчи профессор-ўқитувчилар. | Қуйидаги тартибда амалга оширилади: Факультет деканати, кафедралар ва таълим берувчи профессор-ўқитувчилар. |

## Бакалавриат таълим йўналишида таълим жараённинг таркиби

| № | Таълим жараёни | Ўзбекистон Республикаси | Англия | Россия |
|---|---|---|---|---|
| 1. | Назарий таълим | Маъруза, амалий ва семинар машғулот тарзида ўқув муассасаларда ўтказилади. | Университет биносида маъруза ва семинар, амалий дарслари тарзида ўтказилади. | Университет базасида маъруза, амалий ва семинар машғулот тарзида ўқув муассасаларда ўтказилади. |
| 2. | Амалий таълим | Бакалаврлар танлаган мавзу билан боғлиқ вилоятлар, туманлар, шаҳарларда. | Танлаган бакалавр битирув иши мавзулари бўйича мамлакат ичида ёки хорижда стажировка тарзида | Танлаган бакалавр битирув иши мавзулари бўйича мамлакат ичида ёки хорижда стажировка тарзида |
| 3. | Илмий – тадқиқот ишлари | Бакалавр малакавий битирув иши мавзусига оид иш учун тадқиқотлар кутубхона ва архивларда олиб борилади. Кафедра профессор-ўқитувчилари илмий раҳбарликка тайинланади. | Англияда бакалавриат тадқиқотлари учун грантлар берилиб, мазкур грант натижалари битирув ишининг асосини яъни натижасини белгилаб беради.<br>Хорижий мамлакатларда илмий тадқиқотлар ўтказиш учун грантлар берилади. | Москва ва Санкт-Петербург олий таълим муассасаларида аълочи талабаларни хорижий стажировка ёки индивидуал дала тадқиқотларига грант ва субсидиялар ажратилади. |
| 4. | Мустақил таълим | Бакалаврлар назарий билимларини кутубхона, музейлар, архивлар, интернетдан зарур маълумотларни олиш орқали ўз билимларини оширади. | Бакалаврлар илмий муассаса, кутубхоналар, музейларда мустақил таълим билан шуғуланади. | Бакалаврлар илмий муассаса, кутубхоналар, музейларда мустақил таълим билан шуғуланади. |
| 5. | Таълим жараёнида баҳолаш | Бакалаврларнинг назарий ва амалий кўникмалар, илмий-тадқиқот ишлари бўйича билимларини баҳолаш бакалавриат рейтинг тизими асосида жорий, оралиқ , якуний баҳо кўринишида ва ҳар ярим йиллик ва йиллик аттестация кўринишида амалга оширилади. Якуний давлат имтиҳон саволлари оғзаки, тест кўринишида ва амалий билимларини намойиш этиш кўринишида талаб қилинади. | Бакалаврларнинг назарий билимлари тест саволлари орқали баҳоланади. Амалий кўникмалари ҳар ойда ва ярим йилликда цикл давомида кузатиш ҳамда мустақил намойиш этиш орқали баҳоланади. Якуний давлат имтиҳон ёзма тест кўринишида амалга оширилади. | Бакалаврларнинг жорий билими, компетенцияси ва ўзлаштириши оралиқ тест саволлари орқали, билимларни даврий оғзаки кўринишда текшириш, циклар бўйича ҳар ярим йилда ёзма тест кўринишида амалга оширилади. Ўқув дастури сўнгида бакалаврлар мутахассислик бўйича барча назарий ва амалий билимларни ўз ичига олган ёзма имтиҳон топширадилар. |

## Бакалавриат таълим йўналишида таълим жараёнинг мазмуни ва давомийлиги

| Ўзбекистон Республикаси | Мудд ати | Англия | Мудд ати | Россия | Муд дати |
|---|---|---|---|---|---|
| 1. Тарих фанида инновациялар: технологиялар, моделлар ва методлар<br>2. Фан ва техника тарихи<br>3. Хронология ва метрология<br>4. Тарихий антропология<br>5. Археология ва этнология<br>6. Ўзбекистон тарихи<br>7. Жаҳон тарихи<br>8. Халқаро муносабатлар ва дипломатия тарихи<br>9. Манбашунослик ва тарихшунослик<br>10. Ўзбекистон давлатчилиги тарихи<br>11. Ўзбекистоннинг маданияти ва санъати тарихи<br>12. Музейшунослик ва<br>13. архившунослик<br>14. Тарих ўқитиш методикаси<br>15. Шарқ тиллари<br>16. Тарихий география<br>17. Мутахассисликка кириш<br>18. Тарихий ўлкашунослик ва урбанизация жараёнлари<br>19. Жаҳон цивилизациялари тарихи<br>20. Шарқ алломаларининг илмий мероси<br>21. Тарих фалсафаси ва методологияси Ўзбекистоннинг энг янги тарихи<br>***Танлов фанлар***<br>22. Хорижий мамлакатларнинг замонавий тарихи<br>23. Ўзбекистонда ҳарбий иш ва ҳарбий санат тарихи | 4 йил | 1. Қироллик тарихи: қадимда, ўрта асрларда ва ҳозирги даврларда<br>2. Америка тарихи<br>3. Ижтимоий ва маданий жараёнларнинг қиёсий тарихи<br>4. Буюк Британия ва Ирландиянинг замонавий тарихи<br>5. Иқтисодий ва сиёсий жараёнларнинг замонавий тарихи<br>6. Европанинг янги тарихи<br>7. Тарих ва иқтисод<br>8. Ўрта асрлар тарихи<br>9. Буюк Британиянинг янги тарихи<br>10. Глобал интеллект тарихи<br>11. Замонавий маданият тарихи<br>12. Замонавий иқтисодий ва сиёсий тарих<br>13. Ирландиянинг янги тарихи<br>14. Иқтисодий ва сиёсий жараёнларнинг энг янги тарихи<br>15. 1848 йил инқилоби<br>16. Россия империясининг тугатилиши тарихи (1891-1917 й.)<br>17. Сиёсий таълимотлар тарихи (1700-1890 й.)<br>18. Сиёсий фалсафа ва сиёсий таълимотлар тарихи (1890й.)<br>***Танлов фанлар:***<br>16. Музейшунослик иши. | 4 йил | 1. Археология ва Этнология<br>2. Ибтидойи жамият тарихи<br>3. Россия тарихи (XX асргача)<br>4. Россия тарихи (XX аср).<br>5. Қадимги дунё тарихи.<br>6. Ўрта асрлар тарихи.<br>7. Янги ва энг тарихи.<br>8. Тарих фанининг назария ва методологияси.<br>9. Манбашунослик.<br>10. Тарихий фанлар тарихи.<br>11. Ёрдамчи тарих фанлари.<br>12. Россиянинг энг янги тарихи.<br>14. Жаҳон маданияти тарихи.<br>15. Россия маданияти ва санъати тарихи.<br>***Танлов фанлар:***<br>16. Музейшунослик асослари.<br>17. Архившунослик | 4 йил |

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
## ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**
**Мирзо Улуғбек номидаги**
**Ўзбекистон Миллий университети**
**ректори**
**_____________ А.Марахимов**
**201__йил «__»________**
**м.ў.**

# ЎҚУВ РЕЖА

**Таълим йўналиши:**
***5120300 – Тарих (жаҳон мамлакатлари бўйича)***

**Академик даража - БАКАЛАВР**
**Ўқиш муддати - 4 йил**
**Таълим шакли - кундузги**

**“КЕЛИШИЛГАН”**
**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий ва ўрта махсус таълим**
**вазири**
**_____________ И.Маджидов**
**201__йил «__»________**
**м.ў.**

## I. ЎҚУВ ЖАРАЁНИ ЖАДВАЛИ

| Курс | Ҳафталар | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | Ўқув жараёни ҳафталари сони | | | | | Таътил ҳафталари сони | Ҳаммаси |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | Сентябрь | | | | | Октябрь | | | | Ноябрь | | | | | Декабрь | | | | Январь | | | | | Февраль | | | | Март | | | | | Апрель | | | | Май | | | | Июнь | | | | Июль | | | | Август | | | | Жами | шундан: Назарий ва амалий таълим | Аттестациялар | Малакавий ва педагогик амалиёт | Якуний давлат аттестацияси | | |
| | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 | 15 | 16 | 17 | 18 | 19 | 20 | 21 | 22 | 23 | 24 | 25 | 26 | 27 | 28 | 29 | 30 | 31 | 32 | 33 | 34 | 35 | 36 | 37 | 38 | 39 | 40 | 41 | 42 | 43 | 44 | 45 | 46 | 47 | 48 | 49 | 50 | 51 | 52 | | | | | | | |
| I | | | | | | | | | | | | | | | | | | Т | Т | А | А | А | | | | | | | | | | | | | | | | | | М | М | А | А | А | Т | Т | Т | Т | Т | Т | Т | Т | 42 | 34 | 6 | 2 | | 10 | 52 |
| II | | | | | | | | | | | | | | | | | | Т | Т | А | А | А | | | | | | | | | | | | | | | | | | М | М | А | А | А | Т | Т | Т | Т | Т | Т | Т | Т | 42 | 34 | 6 | 2 | | 10 | 52 |
| III | | | | | | | | | | | | | | | | | | Т | Т | А | А | А | | | | | | | | | | | | | | | | М | М | М | М | А | А | А | Т | Т | Т | Т | Т | Т | Т | Т | 42 | 32 | 6 | 4 | | 10 | 52 |
| IV | П | П | П | П | П | П | П | П | П | П | | | | | | | | Т | Т | А | А | | | | | | | | | | | | М | М | М | М | А | А | Я | Я | Я | Я | Я | Я | Т | Т | Т | Т | | | | | 42 | 18 | 4 | 14 | 6 | 6 | 48 |
| | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | Жами | 168 | 118 | 22 | 22 | 6 | 36 | 204 |

[ ] Назарий ва амалий таълим  [М] Малакавий амалиёт  [П] Педагогик амалиёт  [А] Аттестациялар  [Я] Якуний давлат аттестацияси  [Т] Таътил

## II. ЎҚУВ РЕЖАСИ

| Т/р | Ўқув фанлари, блоклар ва фаолият турларининг номлари | Талабанинг ўқув юкламаси, соатларда | | | | | | | | | Соатларнинг курс, семестр ва ҳафталар бўйича тақсимоти | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Умумий юклама ҳажми | | Аудитория машғулотлари, соатларда | | | | | | Мустақил таълим | 1-курс | | 2-курс | | 3-курс | | 4-курс | |
| | | | | | | | | | | | Курслардаги ҳафталар сони | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | 42 | | 42 | | 42 | | 42 | |
| | | | | | | | | | | | Семестрлар | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 |
| | | | | | | | | | | | Семестрдаги аудитория машғулотлари ҳафталарининг сони | | | | | | | |
| | | соат | % | Жами | Маъруза | Амалий | Лаборатория | Семинар | Курс лойиҳаси (иши) | | 17 | 17 | 17 | 17 | 17 | 15 | 7 | 11 |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 14 | 13 | 14 | 15 | 16 | 17 | 18 | 19 |
| **1.00** | **Гуманитар ва табиий-илмий фанлар** | **1574** | **25** | **816** | **242** | **355** | | **219** | | **758** | **16** | **17** | **4** | **7** | **4** | | | |
| 1.01 | Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси. Фуқаролик жамияти | 78 | | 51 | 24 | | | 27 | | 27 | | | | 3 | | | | |
| 1.02 | Фалсафа | 128 | | 68 | 34 | | | 34 | | 60 | 4 | | | | | | | |
| 1.03 | Диншунослик | 64 | | 34 | 16 | | | 18 | | 30 | | 2 | | | | | | |
| 1.04 | Ўзбек (рус) тили | 150 | | 85 | | 85 | | | | 65 | 2 | 3 | | | | | | |
| 1.05 | Хорижий тил | 272 | | 136 | | 136 | | | | 136 | 4 | 4 | | | | | | |
| 1.06 | Жисмоний тарбия ва спорт* | 128 | | 68 | 10 | 58 | | | | 60 | 2 | 2 | | | | | | |
| 1.07 | Тарих фанида инновациялар: технологиялар, моделлар ва методлар | 210 | | 102 | 40 | 42 | | 20 | | 108 | 2 | 4 | | | | | | |
| 1.08 | Математик статистика | 136 | | 68 | 34 | 34 | | | | 68 | | | | | 4 | | | |
| 1.09 | Хронология ва метрология | 68 | | 34 | 16 | | | 18 | | 34 | 2 | | | | | | | |
| 1.10 | Фан ва техника тарихи | 136 | | 68 | 26 | | | 42 | | 68 | | | | 4 | | | | |
| 1.11 | Тарихий география | 136 | | 68 | 26 | | | 42 | | 68 | | | 4 | | | | | |
| 1.12 | Мутахассисликка кириш | 68 | | 34 | 16 | | | 18 | | 34 | | 2 | | | | | | |
| **2.00** | **Умумкасбий фанлар** | **3265** | **51** | **1689** | **694** | | | **995** | **4ки** | **1576** | **12** | **11** | **18** | **16** | **18** | **18** | **8** | **8** |
| 2.01 | Тарихий антропология | 68 | | 34 | 16 | | | 18 | | 34 | | | 2 | | | | | |
| 2.02 | Археология ва этнология | 161 | | 85 | 34 | | | 51 | | 76 | 2 | 3 | | | | | | |
| 2.03 | Ўзбекистон тарихи | 828 | | 434 | 174 | | | 260 | ки | 394 | 4 | 4 | 4 | 6 | 4 | 4 | | |
| 2.04 | Жаҳон тарихи | 828 | | 434 | 174 | | | 260 | ки | 394 | 6 | 4 | 4 | 4 | 4 | 4 | | |
| 2.05 | Халқаро муносабатлар ва дипломатия тарихи | 136 | | 68 | 26 | | | 42 | | 68 | | | 4 | | | | | |
| 2.06 | Музейшунослик ва архившунослик | 136 | | 68 | 28 | | | 40 | | 68 | | | | 2 | 2 | | | |
| 2.07 | Ўзбекистон давлатчилиги тарихи | 196 | | 98 | 40 | | | 58 | ки | 98 | | | | | 4 | 2 | | |

**_5120300 – Тарих (жаҳон мамлакатлари бўйича)_ бакалавриат таълим йўналишининг малака талабини ишлаб чиқилишига**

# ТУШУНТИРИШ ХАТИ

*5120300 – Тарих (жаҳон мамлакатлари бўйича)* бакалавриат таълим йўналишини малака талабини ишлаб чиқишда қуйидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга асосланилди:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 январдаги “Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги «Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 343-сонли қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 3-сонли Қарори;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2015 йил 15 январдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 3-сонли Қарори ижросини таъминлаш тўғрисида”ги 12-сонли буйруғи;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли қарори;

Ўзбекистон Републикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сонли қарори;

Ўзбекистон Републикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли қарори;

Ўзбекистон Републикаси Президентининг 2019 йил 17 июньдаги “2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли қарори.

Малака талабини ишлаб чиқишда бакалавриат таълим йўналиши битирувчиларига кадрлар истеъмолчилар томонидан кўрсатилган малака талаблари ҳисобга олинган.

Янги малака талаби бўйича бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси “Гуманитар ва табиий-илмий фанлар” блоки хажми 25 %ни, “Умумкасбий фанлар” блокининг ҳажми 51 %ни, “Ихтисолик фанлари” блокнинг ҳажми 18 %ни, Қўшимча фанлар 6 %ни Шу билан бирга бакалавриатда назарий таълим билан ишлаб чиқаришни боғлаш учун малакавий амалиёт муддатлари 22 ҳафтани ташкил этади ва аудитория машғулотларининг ҳафталик юкламаси 1-6 семестрлар 28 соат, 7-8 хафта 24 соатни ташкил этади.

Ушбу малака талаб “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг мақсади ва вазифаларининг, шунингдек таълим-тарбияга йўналтирилган ҳамда Президент, Вазирлар Маҳкамасининг қарор-фармонларини мукаммал амалга оширилишига қаратилган.

Малака талаби дастурида миллий мустақиллик, демократия, бой миллий ва маънавий анъаналар, халқнинг теран интеллектуал имкониятлари ва умуминсоний қадриятлар тамойиллари ҳисобга олинди.

Малака талаби асосида таълим олувчиларда чуқур билим, мустақил фикрлаш, юксак касбий малакавий кўникма шаклланиши таъминланади.

Ушбу малака талаби халқаро тажриба, техника, технологиялар, фаннинг ривожланиш даражаси ва ютуқлари иқтисодий устуворлик шароитида кадрларга нисбатан ишлаб чиқариш ва амалиётда қўйиладиган талабларни ҳисобга олган ҳолда илмий асосланади.

Ўқув юкламасининг оддийдан мураккабга қараб тузилишига эришилганлиги натижасида таълим олувчиларнинг қобилиятлари ва эҳтиёжларига кўра таълимни табақалаштириш имкониятлари ҳисобга олинди.

Таълим олувчилар ва битирувчиларни тайёрлаш, таълим фаолияти сифатини баҳолаш мезонлари ва тартибларининг белгиланган меъёрий-қоидаларга мослигига эришилди.

*5120300 – Тарих (жаҳон мамлакатлари бўйича)* бакалавриат таълим йўналишига тажрибада текширувдан ўтган таълим ҳамда ишлаб чиқариш амалий фаолиятларининг илғор меъёрлари киритилди;

Малака талабини ишлаб чиқишда мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг истиқболлари, жамият эҳтиёжи, фан, техника, технология ва маданият ютиқлари, филолог кадрларни тайёрлаш борасида жахон тенденцияларидан келиб чиқиб, гуманитар соҳаларининг модернизациялашув шароитида кадрлар истеъмолчиларининг талабларини олий таълим мазмунига тезкор жорий этишига тегишли шароитлар яратиш, олий таълим давлат талим стандартларини халқаро амалиётдаги академик стандартлар билан уйғунлаштирилди ҳамда уларни узвийлиги таъминланди.

**Ўзбекистон Миллий университети ўқув ишлари бўйича проректори** **Д.Джумабаев**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI * MIRZO ULUG'BEK NOMIDAGI O'ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI

*5120300 – Тарих (жаҳон мамлакатлари бўйича)* **бакалавриат таълим йўналиши ўқув жараёни жадвали ва ўқув режасининг 2018 йилда тасдиқланган ўқув режаси билан қиёсий-солиштирма жадвали**

## I. ЎҚУВ ЖАРАЁНИ ЖАДВАЛИ

**2018 йил ўқув режаси бўйича**

| Курс | Ҳафталар | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | Ўқув жараёни ҳафталари сони | | | | | Таътил ҳафталари сони | Ҳаммаси |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | Сентябрь | | | | | Октябрь | | | | Ноябрь | | | | | Декабрь | | | Январь | | | | | | Февраль | | | | Март | | | | | Апрель | | | | Май | | | | Июнь | | | | Июль | | | | Август | | | | Жами | шундан | | | | | |
| | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 | 15 | 16 | 17 | 18 | 19 | 20 | 21 | 22 | 23 | 24 | 25 | 26 | 27 | 28 | 29 | 30 | 31 | 32 | 33 | 34 | 35 | 36 | 37 | 38 | 39 | 40 | 41 | 42 | 43 | 44 | 45 | 46 | 47 | 48 | 49 | 50 | 51 | 52 | | Назарий ва амалий таълим | Аттестациялар | Малакавий ва педагогик амалиёт | Якуний давлат аттестацияси | | |
| I | | | | | | | | | | | | | | | | | | Т | Т | А | А | А | | | | | | | | | | | | | | | | | | А | А | А | М | М | М | Т | Т | Т | Т | Т | Т | Т | 43 | 34 | 6 | 3 | | 9 | 52 |
| II | | | | | | | | | | | | | | | | | | Т | Т | А | А | А | | | | | | | | | | | | | | | | | | А | А | А | М | М | М | Т | Т | Т | Т | Т | Т | Т | 43 | 34 | 6 | 3 | | 9 | 52 |
| III | | | | | | | | | | | | | | | | | | Т | Т | А | А | А | | | | | | | | | | | | | | | | А | А | А | М | М | М | М | Т | Т | Т | Т | Т | Т | Т | Т | 42 | 32 | 6 | 4 | | 10 | 52 |
| IV | П | П | П | П | П | П | П | П | П | | | | | | | | | Т | Т | А | А | | | | | | | | | | | | | А | А | М | М | М | Я | Я | Я | Я | Я | Я | Т | Т | Т | Т | | | | | 42 | 20 | 4 | 12 | 6 | 6 | 48 |
| Жами | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | 170 | 120 | 22 | 22 | 6 | 34 | 204 |

| | Назарий ва амалий таълим | М | Малакавий амалиёт | П | Педагогик амалиёт | А | Аттестациялар | Я | Якуний давлат аттестацияси | Т | Таътил |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|

## I. ЎҚУВ ЖАРАЁНИ ЖАДВАЛИ

**2019 йил ўқув режаси бўйича**

| Курс | Ҳафталар | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | Ўқув жараёни ҳафталари сони | | | | | Таътил ҳафталари сони | Ҳаммаси |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | Сентябрь | | | | | Октябрь | | | | Ноябрь | | | | | Декабрь | | | Январь | | | | | | Февраль | | | | Март | | | | | Апрель | | | | Май | | | | Июнь | | | | Июль | | | | Август | | | | Жами | шундан | | | | | |
| | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 | 15 | 16 | 17 | 18 | 19 | 20 | 21 | 22 | 23 | 24 | 25 | 26 | 27 | 28 | 29 | 30 | 31 | 32 | 33 | 34 | 35 | 36 | 37 | 38 | 39 | 40 | 41 | 42 | 43 | 44 | 45 | 46 | 47 | 48 | 49 | 50 | 51 | 52 | | Назарий ва амалий таълим | Аттестациялар | Малакавий ва педагогик амалиёт | Якуний давлат аттестацияси | | |
| I | | | | | | | | | | | | | | | | | | Т | Т | А | А | А | | | | | | | | | | | | | | | | | | М | М | А | А | А | Т | Т | Т | Т | Т | Т | Т | Т | 42 | 34 | 6 | 2 | | 10 | 52 |
| II | | | | | | | | | | | | | | | | | | Т | Т | А | А | А | | | | | | | | | | | | | | | | | | М | М | А | А | А | Т | Т | Т | Т | Т | Т | Т | Т | 42 | 34 | 6 | 2 | | 10 | 52 |
| III | | | | | | | | | | | | | | | | | | Т | Т | А | А | А | | | | | | | | | | | | | | | | М | М | М | М | А | А | А | Т | Т | Т | Т | Т | Т | Т | Т | 42 | 32 | 6 | 4 | | 10 | 52 |
| IV | П | П | П | П | П | П | П | П | П | П | | | | | | | | Т | Т | А | А | | | | | | | | | | | | М | М | М | М | А | А | Я | Я | Я | Я | Я | Я | Т | Т | Т | Т | | | | | 42 | 18 | 4 | 14 | 6 | 6 | 48 |
| Жами | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | 168 | 118 | 22 | 22 | 6 | 36 | 204 |

| | Назарий ва амалий таълим | М | Малакавий амалиёт | П | Педагогик амалиёт | А | Аттестациялар | Я | Якуний давлат аттестацияси | Т | Таътил |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|

**Назарий таълим ва амалий таълим 2 ҳафтага камайди. Аттестациялар ҳафталари 22 ҳафтага этиб белгиланди. Малака амалиёти 22 ҳафтага этиб белгиланди. Битирув иши ҳафталари Якуний давлат аттестациялар ҳафтасига алмаштириилди ва 6 ҳафта этиб белгиланди. Таътиллар 2 ҳафтага кўпайди. Ўқув даврининг умумий ҳажми Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 январда тасдиқланган 3-сон қарори меъёрларига мос келади.**

## II. ЎҚУВ РЕЖАСИ

| Т/р | Ўқув фанлари, блок ва фаолият турларининг номлари | 2017 йилдаги ўқув режа бўйича | | | 2018 йил ўқув режаси бўйича | | | Умумий юкламаси фарқи +/- | Изоҳ* |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Юклама ҳажми, соат ва % да | | | Юклама ҳажми, соат ва % да | | | | |
| | | Умумий | % | Аудитория | Умумий | % | Аудитория | | |
| **1.00** | **Гуманитар ва табиий-илмий фанлар** | **1674** | **26** | **880** | **1574** | **25** | **816** | **-100** | |
| 1.01 | Фуқаролик жамияти | 94 | | 51 | 78 | | 51 | -16 | Фаннинг номи Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси. Фукаролик жамияти деб номланди |
| 1.02 | Фалсафа | 128 | | 68 | 128 | | 68 | | |
| 1.03 | Диншунослик | 64 | | 34 | 64 | | 34 | | |
| 1.04 | Ўзбек (рус) тили | 150 | | 85 | 150 | | 85 | | |
| 1.05 | Хорижий тил | 356 | | 200 | 272 | | 136 | -84 | |
| 1.06 | Жисмоний тарбия ва спорт* | 128 | | 68 | 128 | | 68 | | |
| 1.07 | Тарих фанида инновациялар: технологиялар, моделлар ва методлар | 210 | | 102 | 210 | | 102 | | |
| 1.08 | Олий математика | 136 | | 68 | 136 | | 68 | | Математик статистика фани деб номланди |
| 1.09 | Хронология ва метрология | 68 | | 34 | 68 | | 34 | | |
| 1.10 | Фан ва техника тарихи | 136 | | 68 | 136 | | 68 | | |
| 1.11 | Тарихий география | 136 | | 68 | 136 | | 68 | | |
| 1.12 | Мутахассисликка кириш | 68 | | 34 | 68 | | 34 | | |
| **2.00** | **Умумкасбий фанлар** | **3129** | **48** | **1643** | **3265** | **51** | **1689** | **+136** | |
| 2.01 | Тарихий антропология | 130 | | 68 | 68 | | 34 | -62 | |
| 2.02 | Археология ва этнология | 161 | | 85 | 161 | | 85 | | |
| 2.03 | Ўзбекистон тарихи | 828 | | 434 | 828 | | 434 | | |
| 2.04 | Жаҳон тарихи | 828 | | 434 | 828 | | 434 | | |

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети 5120300 - Тарих (жаҳон мамлакатлари бўйича) бакалавриат таълим йўналиши учун янгидан яратиладиган малака талабларига киритиладиган кадрлар истеъмолчиларининг бакалавриат таълим йўналиши битирувчилари касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака (касбий компетентлик) талаблари**

<table>
<tr><th colspan="2">Бакалавриат таълим йўналиши</th><th rowspan="2">Бакалавриат таълим йўналиши учун янгидан яратиладиган малака талабларига киритиладиган кадр буюртмачилари ва истеъмолчи ташларининг магистратура мутахассислиги битирувчилари касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака (касбий компетентлик) талаблари</th></tr>
<tr><th>шифри</th><th>номи</th></tr>
<tr><td>5120300</td><td>Тарих (жаҳон мамлакатлари бўйича)</td><td>Бакалаврларнинг тайёргарлик касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий талаблар:<br>Бакалавр:<br>• фуқаролик жамиятининг долзарб масалаларини билиши, Ўзбекистон ривожлантириш стратегиясига асосланган фаол ҳаётий нуқтаи назарга;<br>• дунёкараш билан боғлиқ тизимли билимларга эга бўлиши; гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар асосларини, жорий давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиши;<br>• Ватан тарихини билиши, маънавий миллий ва умуминсоний қадриятлар масалалари юзасидан ўз фикрини баён қила олиши ва илмий асослай билиши, миллий истиқлол ғоясига асосланган фаол ҳаётий нуқтаи назарга эга бўлиши;<br>• инсоннинг бошқа инсонга, жамиятга ва атроф муҳитга муносабатини белгиловчи ҳуқуқий ҳамда маънавий мезонларни билиши, касб фаолиятида уларни ҳисобга ола билиши;<br>• ахборот йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, ўз касб фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиши;<br>• тегишли бакалавриат йўналиши бўйича рақоботбардош умумкасбий тайёргарликка эга бўлиши;<br>• янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши;<br>• таълим йўналиши бўйича олий маълумотли шахслар эгаллаши лозим бўлган лавозимларда мустақил ишлашга;<br>• тегишли бакалавриат йўналиши доирасида танланган мутахассислик бўйича магистратурада олий таълимни давом эттиришга;<br>• кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимида қўшимча касб таълими олиш кўникмаларига эга бўлиши лозим.<br>Касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари<br>Илмий-тадқиқот фаолиятида<br>Бакалавр:<br>– Ўзбекистон ва жаҳон тарихига оид турли тадқиқотларни амалга ошириш, улар билан боғлиқ</td></tr>
</table>

| | | |
|---|---|---|
| | | амалиётларни ўтказиш, илмий-тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ этиш ҳамда уларга оид адабиётларни экспертиза қилиш тартиб-қоидаларини ишлаб чиқишда қатнашади;<br>– махсус адабиётлар ва бошқа тарихга оид илмий тўпламлар, маҳаллий ва чет эл илмий-тадқиқот ютуқларини ўрганади;<br>– илмий-тадқиқот ишланмаларини тайёрлаш, тарихий адабиётлар экспертизасини амалга оширишда қатнашади;<br>– маълумотларни жамлайди, қайта тайёрлайди, мавзу бўйича илмий маълумотларни тизимли таҳлил қилади;<br>– тадқиқот натижалари ва ишланмаларини татбиқ этишда қатнашади.<br>**Маънавий-маърифий фаолиятида**<br>– Камолот ёшлар ижтимоий ташкилоти ва маҳаллаларда маънавий-маърифий масалалар бўйича индивидуал суҳбат ўтказиш;<br>– Тарих фани соҳасига оид мавзуларда маънавият марказларида маърузалар ташкил этиш;<br>– Ўзбекистон ва жаҳон тарихига оид манбалардан илмий, маънавий-маърифий соҳада фойдаланишни ташкиллаштириш;<br>– Умуминсоний қадриятлар, меҳр-мурувват, бағрикенглик, ватанпарварлик, садоқат каби юксак инсоний фазилатларни очиб бера олиш ***қобилиятига эга бўлиши лозим.***<br>**Ташкилий-бошқарув фаолиятда**<br>*Бакалавр:*<br>– ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш механизмларини ишлаб чиқиш;<br>– атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилиш;<br>– жамоада ижтимоий ва маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш ва бошқариш;<br>– фикрлар ҳар хил бўлган шароитда тўғри қарор қабул қилиш;<br>– бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш ва уни бажариш, назорат қилиш ва амалга оширган ишининг натижаларини баҳолаш ***қобилиятига эга бўлиши лозим.***<br>– ЎМКҲТ тизимининг мос таълим муассасаларида тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўқув фанлари бўйича назарий машғулотларни ўтказиш;<br>– ЎМКҲТ тизимининг мос таълим муассасаларида тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўқув фанлари бўйича амалий ва лаборатория машғулотлари, жумладан ўқув устахонларида ўтказиш;<br>– замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб ностандарт ўқув машғулотларини ишлаб чиқиш ва ўтказиш;<br>– ишлаб чиқариш жараёнларини амалга ошириш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари ва |

| | | |
|---|---|---|
| | | ресурсларини режалаштириш;<br>– нодавлат ва нотижорат ташкилотларда, хусусий тадбиркорлик субъектларида маънавий-маърифий ишлар бўйича менеджер сифатида фаолият юритиш ***қобилиятига эга бўлиши лозим***.<br>**Педагогик фаолиятда**<br>*Бакалавр:*<br>– умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида ўқув фанлари бўйича назарий, амалий машғулотларни ўтказиш;<br>– замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб ноанъанавий ўқув машғулотларини ўтказиш;<br>– ўқитилаётган фанлар бўйича ўқув машғулотларини ўтказиш учун зарур бўлган ўқув-методик ҳужжатларни тузиши, тайёрлаш ва расмийлаштириши;<br>– ўқитилаётган фанлар бўйича ўқув машғулотларини ўтказиш учун ўқитишнинг дедактик воситаларидан фойдаланиши;<br>– мустақил таълим ва илмий-ижодий қидирув ишлари натижасида ўқитилаётган фан бўйича педагогик фаолиятни мунтазам такомиллаштириб бориш.<br>**Турли хизматлар кўрсатишда**<br>*Бакалавр:*<br>– тарих ихтисослигига мос мавзулардаги лойиҳалар, манбалар, адабиётларни экспертиза қилиш бўйича эксперт сифатида қатнашиш;<br>– тадқиқ қилинган объектлар бўйича махсус йўл кўрсаткич яратиш;<br>– пуллик таълим хизматларини ташкил этиш ва амалга ошириш;<br>– ихтисосликка мос мавзу бўйича турли хизматларни кўрсатиш ***қобилиятига эга бўлиши лозим***. |

**5120300 - Тарих (жаҳон мамлакатлари бўйича) бакалавриат таълим йўналиши бўйича ишлаб чиқилган малака талабларининг бандларида бакалаврларнинг касбий фаолиятлари ва амалиётга қўйиладиган малака талаблари ҳамда ўқув режасига киритилган фанлар кадрлар буюртмачилари ва истеъмолчи ташкилотларнинг таклиф ва мулоҳазалари асосида шакллантирилган.**

**Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси**
**Тарих институти директори** **т.ф.д. Р.М.Абдуллаев**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI FANLAR AKADEMIYASI TARIX INSTITUTI